Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 21 июнь, сешанба № 105 (21.709). Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Р. ИНОЯТОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикада миллий хавфсизликни таъминлашдаги самарали хизматлари ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этаётгани учун Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисининг биринчи ўринбосари Рустам Расулович Иноятов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 17 июнь

Ишда изчиллик бўлсин

Андижон вилоятида иқтисодий ислоҳотни амалга оширишда муайян ютуқларга эришилган бўлсада, бу борада жиддий камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилаётир. Масалан, айрим туман ва хўжаликларда аҳоли зич яшашини баҳона қилиб деҳқон (фермер) хўжаликларига ер бериш, кредит ажратишда бошбошдоқликка йўл қўйилаётир. Улар етиштирган маҳсулот эса вақтида қабул қилиб олинмаётир.

Вилоят ҳокимлигида қишлоқда ислоҳотни, қайта ўзгартириш жараёнларини тезлаштириш ҳамда бу борадаги Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг бажарилишини назорат қилувчи махсус комиссия текшируви якунларига бағишланган йиғилишда ана шулар ҳақида гап борди.

Йиғилишни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур комиссия раиси И. Жўрабеков бошқарди. Президентимиз мамлакатда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг тақдири кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган ислоҳотнинг натижасига боғлиқлигини қайта-қайта такрорламоқда, деди у. Зотан, бу борадаги ҳар бир ишда масъулиятни теран англаб ҳаракат қилиш, изчиллик ва қатъият кўрсатиш зарур. Шундай қилинганда эди, вилоятдаги талайгина чорвачилик фермалари ва давлат хўжаликлари номигагина ҳиссадорлик уюшмалари ва ширкатларга айлантирилиб, иш эскича услубда юритилмаган бўлур эди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Қ. Обидов ҳамда Олтинкўл, Пахтаобод, Балиқчи, Асака, Избоскан тумани ҳокимларининг ахбороти тингланди.

Вилоятда иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш, хусусийлаштириш, деҳқон (фермер) хўжаликларини ташкил этиш ва уларга ҳар томонлама ёрдам бериш борасида комиссия аниқлаган камчилик ва нуқсонларни тезда бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

(ЎзА).



Яқинда Тошкентдаги 1-ўй-жой қурилиш комбинатига қарашли 26-қурилиш бошқармаси бинокорлари яна бир осмонўпар уйни пойтахтликлар учун фойдаланишга топширишди. 216 хонадонга мўлжалланган янги уйда ҳовли тўйлари бошланиб кетди.

Прораб Акмал Азимов қурувчиларнинг пойтахтликларга қилган совғасидан мамнун.

Ҳаким СОЛИҲОВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ҚЎМИТАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги адабиёт, санъат ва меъморчилик бўйича давлат мукофотлари қўмитаси 1994 йилги Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотини олиш учун ижодий танловга қуйидаги номзодлар тақдим этилганини маълум қилади:

АДАБИЁТ СОҲАСИДА

Тоғай МУРОД (Менгноров) — «Отамдан қолган далалар» романи. Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси тақдим этган.

ТЕАТР САНЪАТИ СОҲАСИДА

Шуҳрат РИЗАЕВ — пьеса муаллифи, **Абзал РАФИҚОВ, Элёр НОСИРОВ** — бош рол ижрочилари, **Муножот ТЕШАБОЕВА, Ҳошим АРСЛОНОВ** — асосий рол ижрочилари.

А. Ҳидоятов номидаги театрнинг **Баҳодир ИЎЛДОШЕВ** сахнага қўйган ва **Георгий БРИМ** мусаввирлик қилган «Искандар» спектакли.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тақдим этган.

КИНЕМАТОГРАФИЯ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ СОҲАСИДА

Мақсуд ЮНУСОВ — сценарий муаллифи ва постановкачи режиссёр, **Сандакмал РАСУЛОВ** — постановкачи рассом, **Рафаэл КАМОЛОВ** — постановкачи тасвирчи, **Муҳаммадали АБДУҚУНДУЗОВ** — Бобур ва Чўлпон роллари ижрочиси, **Ўрол УТАЕВ** — адабий-бадиий раҳбар.

Ўзбекистон Телевидениеси яратилган ва намойиш этилган кўп қисмли «Бобур», «Кеча ва кундуз» видеофильмлари.

Ўзбекистон Давлат телерадиоэшиттириш компанияси тақдим этган.

ҲАЙКАЛТАРОШЛИК СОҲАСИДА

Илҳом ЖАББОРОВ, Комил ЖАББОРОВ — ҳайкалтарошлар.

Тошкентда ўрнатилган Амир Темур ҳайкали.

Ўзбекистон меъморлар уюшмаси тақдим этган.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ СОҲАСИДА

Лутфулла АБДУЛЛАЕВ — «Замондошларим» мавзуидаги рангтасвир асарлари ҳамда Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор каби ўзбек адиблари китобларига ишланган расмлар туркуми.

Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси, Ўзбекистон Кинематографчилар уюшмаси, «Ўзбекфильм» киностудияси ижодий жамоаси тақдим этган.

* * *

Адабиёт, санъат ва меъморчилик бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари қўмитаси 1994 йилги Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига тақдим этилган асарлар рўйхатини кенг жамоатчилик муҳокамасига қўймоқда. Бундан мақсад мазкур асарлар ҳақида матбуот, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар орқали билдирилган фикрлардан, шунингдек, жамоатчилик вакиллари, мутахассислар, китобхонлар ва томошабинларнинг холис баҳоларидан хабардор бўлиш ва уларни ҳисобга олишдир. Шу билан бирга, адабиёт, санъат ҳамда меъморчилик соҳасининг Абдулла Қодирий номидаги ушбу Давлат мукофотлари фақат учта экани инобатга олиниши зарур. Масалага шу нуқтаи назардан ёндашганда, мукофотга тақдим этилган асарларнинг ютуқ ёки камчилигини ишонарли тарзда, холисона исбот этадиган таҳлиллар умумий ишимизга ёрдам бериши мумкин.

Шунинг учун ҳам қўмитамиз мукофотга тақдим этилган асарлар муҳокамасининг ҳайрихоҳлик ва юксак талабчанлик руҳида ўтишига умид билдиради. Муҳокамада қатнашадиган барча ташкилотларга, жамоа вакилларига, мутахассислар, адабиёт ва санъат муҳлисларига ушбу муҳим ва олижаноб ишга қўшажак ҳиссалари учун олдиндан миннатдорлик билдирамиз.

Таклиф ва мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз: **Тошкент шаҳри — 700000. Абдулла Тўқай кўчаси — 1. 28-хона. Телефон: 34-93-22.**

• Бозор иқтисодиёти чорраҳаларида

Қоровулбозор — Бухоро вилоятининг кенжа, истиқболи порлоқ туманларидан бири. Бу ерда нефть ва газ конлари заҳираси кўп. Қорақўлчиликни ривожлантириш имкониятлари кенг. Бундан ташқари жайронлар боқилган топган бу ғўшада.

Республика ҳукумати эндигина тетапоя бўлаётган туманни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Бу йил жумҳуриятимизда йирик нефтни қайта ишлаш корхонасининг тезкорлик билан туманда қурилаётгани ҳам далиллаб турибди. Бундан ташқари, деҳқончиликни ҳам юқори даражага кўтариш борасида дадил ҳаракатлар қилинаяпти.

Шу йил 28 май куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгашнинг мажлиси бўлганлиги ҳақида илгари хабар берилган эди. Унда Президентимиз Ислом Каримов иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш борасида эришилган ютуқларни таҳлилдаш билан бир қаторда бу борадаги камчиликлар ҳақида ҳам айтиб ўтганди. Афсуски, бундай нуқсонлар, муаммолар Бухоро вилоятида, хусусан Қоровулбозорда ҳам борки, улар дилига улуг ниятларни тугиб, бу ерга вилоятнинг турли бурчакларидан келган чўлқуварлар кўнглига ғашлик соляпти.

Илгари бу ерда вилоятнинг турли туманларига қарашли тўртта давлат хўжалиги бўлган. Эндиликда шу хўжаликлар таркибида тўқизта жамоа хўжалиги ташкил этилди. Бу ҳам ўзига хос муаммоларни келтириб чиқарди. Айниқса, кейинги йилларда қурилган дала шийпонлари хўжасизлик оқибатида харобага айланди. Шунгача борив етилдики, хоналарнинг дераза ромлари, шиферлар ноинсоф кимсалар томонидан хомталаш бўлди.

— Бир-икки ойдан ошди раислик фаолиятимга,— деб сўзини бошлади «Истиқбол» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Бахшулла Жумаев.— Тасарруфимизда 1600 гектар майдон бор. Шундан 1000 гектарига минг қийинчилик, машаққат билан кечикиб бўлса-да, чигит экдик. Техника эскирган. Эҳтиёт қисмлар етишмайди. Бунинг устига тайинли бошпанамиз йўқ. Ҳокимимиз ташаббуси билан энди электр энергияси олиб келяпмиз.

Раис бир пас тин олди. Унинг чеҳрасига муаммолар соя солганини пайқаш осонди шу топда. У чўлга келганига афсусланаётгани йўқ. Ўзи билан Ғиждувон туманидан олиб келган 30—40 чоғли одамни ўйлайди. Чўлда ишлаш ва яшашнинг ўзи бўлмайди. Электр, радио, телефон бўлмаса. Кундалик газета-журналдан дарак бўлмаса. Ўй-жой қуришнинг ташвишини айтмайсизми? Раисниг таъбирича, ҳаммасини нолдан бошлаш керак.

Хўжаликда 300 киши ишлаяпти. Шундан 60 киши уй-жойли. Қолганлари дала шийпонларида туришади. 15 та вагон-уй борлиги уларнинг жонига ора кирди. 21 та бригаданинг 6 таси дала шийпони бўлсада унинг 2 тасида яшаш мумкин.

— Ниятимиз ўтроқ халқни вужудга келтириш,— дейди суҳбат давомида раис.— Бунинг учун 2 та аҳоли яшайдиган қўрғонни қуришимиз, унга газ, водопровод, электр олиб келишимиз керак. Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрстадиган нуқталарни ташкил этишимиз даркор. Ҳозирча ҳаммасига зидентимизнинг Фармонлари асосида дон экилган майдонлар хусусийлаштириб берилгани, якка деҳқон (фермер) хўжаликлари ташкил этишга ҳаракат қилинаётгани иқтисоднинг умри боқийлигидан далолат бериб турибди.

Бу хўжалик билан ёнма-ён бўлган Абдуҳолиқ Ғиждувоний номли жамоа хўжалигида ҳам аҳвол яхши эмас. 140 киши 1869 гектар ерда деҳқончилик қиляпти. Чигит, дон, сабзавот-полиз экиндари картошка экилган. Бу ерда ҳам ўзига хос муаммолар борки, бу ҳақда хўжалик раҳбари, тажрибали пахтакор Истам Шаропов куйиниб гапиради.

— Чўлда нима кўп ер кўп,— дейди раис.— Фақат ишчи кучи керак. Хўжалик ерлари насослар ёрдамида суғорилади. Электр энергиясида узилиш бўлдими, тамом насослар ишдан чиқади. Чунки, уларнинг тўхташи оқибатида сув парракларига зўрлик қилиб (тескари оқиши туфайли) синдиради. Ҳар бир паррагининг баҳоси — миллион сўм-купон. Топишнинг ўзи анқонинг уруғи.

Раис шу ерда насослар таъминоти, унга кетадиган харажатни республика мелиорациюя ва сув хўжалиги вазирлиги ўз қаромоғига олса яхши бўларди, деган фикрни ўртага ташлади. Қани энди шундай қилинса, чўлқуварларнинг юки анча енгиллашарди! Хўжаликда 6 та йирик сув насоси бор. Бултур биргина шу насосларга 187 миллион сўм харажат қилинган.

Хўжалик марказидаги уйларда (унда 3 та хўжаликнинг аҳолиси яшайди) мазкур колхознинг 40 фоиз аҳолиси истиқомат қилади. Касалхона, алоқа бўлими, радио, телефон алоқаси йўқ. Ғиждувон, Шофиркондан қатнаб ишловчиларнинг ҳолини кўрган киши эзилиб кетади. Йўл азоби—гўр азоби, деб бежиз айтилмаган. Автобус қатнови йўлга қўйилмагани — дард устига чипқон бўлиб тушяпти. Хуллас, муаммо кўп.

«Пахтакор» жамоа хўжалиги туманнинг йирик хўжаликларидан. Унга чўлни ёшлигидан макон айлаган, ёш бўлса ҳам тажрибали Комил Сафаров раҳбарлик қилади. Тўғриси, раислардек шоҳона яшамайди. Дастурхонида иккита нон, озгина шакар. Уйи ҳам оддий, юмшоқ кресло, диван каровоти йўқ. Хотини, фарзандлари, сигирқўйи — унинг давлати. Унинг раис бўлганига ҳам кўп бўлгани йўқ. Бир неча йиллан буён чўлда чироқ ёққани, меҳнатни севгани учун ҳам халқ уни бошқалардан эзёда кўрди, ўзига раҳбар этиб сайлади.

Эл ишончини оқлаш осон эмас, албатта. Олдида анча тўсиқ, тўғаноқ, муаммолар кўндаланг турибди. Давлатга салкам 2000 тонна пахта сотилиши керак. Чорвачилик хусусийлаштирилган бўлса ҳам унга ҳамкор бўлиш, фермерлар ташвиши билан яшаш керак. Аммо имконият етарлими? Йўқ, албатта. Сув қам, тақсимотда адолатсизлик ҳар қадамда сезилиб туради. Режадан ташқари етиштирилган толани сотиш учун воситачи машмашасини айтмайсизми?

Хўжаликда 5 та фермер хўжалиги бор. Аммо, шуниси таажжублики, ҳаммасида аҳвол ҳар хил. Шабон Қурбонов, Тўхта Файзиевлар бош бўлган фермер хўжаликларида ишлар ўнгидан келяпти. Бу мустақил фермерлар хўжаликка раҳбарларнинг ёрдами ҳар қадамда сезиляпти. Лекин, фермер Фрунзе Жалилов «Шерзод» деб номлаган хўжаликда 12 та қорамолни бор, деб айтса-да, ундан ном-нишон йўқ. Чўлдаги чайлачада ўхлаб ётган бу мустақил фермер атиги бир бош қорамоли билан ҳаммани гандиратиб юрибди. Маҳсулотдан нишона кўринмайди. Давлатдан олган қарзлари ҳисобига нима билан шуғулланиши Оллоҳдан бошқага қоронғу.

— Туманимизда 12 та мустақил фермер фаолият кўрсатяпти,— дейди ҳокимнинг биринчи ўринбосари Ўктам Юсупов.— Уларда 265 бош қорамол мавжуд.

Шуниси ачинарлики, ана шу фермерлардан атиги бittаси маҳсулот топширяпти. Қолганлари қаддини ростлаётганмиш!.. Фермерлар аҳволидан хабар оладиган «Чорватехсервис» ҳалигача туманда ташкил этилмаган. «Тадбиркор» банки ҳам очилмаган.

— Олдимизда тиғиз вазифалар турибди,— дейди туман ҳокими Ҳикмат Жумаев.— Кўп меҳнат қилишимиз керак. Ишни хўжаликлардаги аҳволни ўрганишдан бошладим. Одамлар билан ҳар куни мулоқотда бўламан. Йўлларни тартибга келтирямиз. Уй-жой қурилишини тезлаштириш йўли билан аҳолининг турғун яшашига эришамиз. Ислоҳотларни дадиллик билан амалга ошириш тадбирларини кўряпмиз.

Ҳокимнинг режалари аниқ. Энди ҳамма гап ҳамжиҳатлик, аҳиллиқда.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АҲИЛ БЎЛСАК ТОҒНИ ЙИҚАМИЗ

• Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасида

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАСИ МУОМАЛАГА КИРИТИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қабул қилинган қарорда миллий валютани муомалага киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва ҳукумат қарорлари катта сиёсий аҳамиятга молик эканлиги таъкидланади. Ушбу ҳужжатлар республика раҳбарияти олиб бораётган сиёсатнинг бош мақсади — давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг барча фуқаролари фаровонлиги ва муносиб турмуш даражасини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири сифатида юксак ривожланган ва мустақил иқтисодиётни вужудга келтиришдан иборат эканлигига яққол далилдир.

Ўзбекистон Президенти, ХДП Раисининг миллий валютага аста-секинлик билан ўтиш, аҳоли турмуш даражасининг кескин даражада пасайиб кетишига йўл қўймаслик сиёсати ёш авлодни тарбиялаш муаммоларини ҳал этишнинг ижтимоий кафолатларини таъминлаш мақсадларида болали оилаларга давлат ёрдами тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги фармонда ҳам ўз ифодасини яна бир бор ишончли тарзда топди.

Сиёсий ижроия қўмита Ўзбекистон Республикаси миллий валютасини муомалага киритиш, ички истеъмол бозорини тўлдириш ва мамлакатимизнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш ҳамда болали оилаларга давлат ижтимоий ёрдами тизимини такомиллаштириш ҳақида доир республика Президенти И. А. Каримов Фармонлари ва ҳукумат қарорларини қўллаб-қувватлади.

Қарорда барча даражадаги ХДП кенгашларига ўз миллий валютамизни муомалага киритиш Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш сари қўйилган муҳим қадам эканлигини ва унинг тарихий моҳиятини кенг тушунтириш учун тажрибали партия аъзоларидан иборат тарғиботчилар гуруҳларини тузиб, уларнинг аҳоли ўртасида чиқишларини ташкил этиш тавсия этилди.

Бу иш жараёнида қабул қилинган ҳужжатларнинг сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватланишини таъминлашга, оламларда бунёдкорлик меҳнати билан миллий пулимизнинг қадри ва мавқеини мустаҳкамлаш, истеъмол бозорини тўлдириш ва республикамизнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш ишига ҳисса қўшишга интилиш истаклари шаклланишига алоҳида эътибор берилиши талаб этилади.

Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ва барча аъзолари миллий валютани муомалага киритиш ва мустаҳкамлашга доир қарорларни амалга оширишда фаол иштирок этишлари, ҳокимият ва бошқарув маҳаллий идораларининг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш фаолиятида камчиликларга йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўришлари лозим.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТА— ҒУРУРИМИЗ

Миллий валютамизнинг муомалага чиқарилиши ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Фармонини Қорақалпоғистон Республикаси меҳнаткашлари қўтаринки руҳ билан кутиб олдилар. 1000 сўм купоннинг бир сўм қилиб белгиланиши етти ўлчаб, бир кесилган тадбирдир. Буни халқимиз қўллаб-қувватламоқда. Республикамиз мустақиллиги нишоналаридан бири бўлган миллий валютамизнинг чиқарилиши нарх-наволарнинг бир меъёрда сақланишига хизмат қилади. Шу билан бир қаторда дўконларни халқ истеъмол моллари билан тўла-тўкис таъминлаш, корхоналарнинг кўпроқ саноат моллари ишлаб чиқариши ва сифатини тубдан яхшилашига омил бағишлайди.

Деҳқон бозорларига келганимизда эса уни деҳқонлар тўлдириши керак. Лекин ҳозир бозорларда кўпроқ далада тер тўкмаганлар савдо қилишмоқда.

Янги пулимиз чиқаётган экан, бозорларда чайқовчиларга, олиб сотарларга асло ўрин бўлмаслиги керак. Ҳозирги шароитда буларга қарши жиддий кураш олиб борилмаса нарх-наводаги тартибсизликлар давом этаверади. Агар кўнгилдагидек олиб борилса, миллий валютамизнинг қадри ҳам, қиймати ҳам ошаверишига ишончимиз комил.

Ешмурод ога НИЕЗМАТОВ,
иккинчи жаҳон урушн қатнашчиси, Нукус шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИНИНГ ПЛЕНУМИ

18 июнь куни Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг навбатдаги пленуми бўлди. Унга ЮНЕСКО томонидан 1994 йил Оила йили деб эълон қилингани муносабати билан 8—10 июнь кунлари Тошкентда ўтган «Аёл, оила ва жамият» мавзуидаги халқаро анжуман якунлари муҳокама этилди. Қўмита низоми ва мақомига ўзгартишлар киритилди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг раиси бўлиб ишлаб келган Ҳ. Худойбердиева ўз аризасига кўра вазифасидан озод этилди. Қўмита раисининг биринчи ўринбосари Д. Ғуломова қўмита раиси этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Бош вазир ўринбосари М. Қорабоев иштирок этди.

(ЎзА)

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлди. Унда Ўзбекистон ХДП вилоят ташкилотларининг партия ёшларга оид сиёсатининг асосий йўналишларини амалга ошириш ҳамда Ёшлар Иттифоқи вилоят ташкилоти билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги вазифалари кўрилди. Шу масала юзасидан ҳамда вилоят партия ташкилотининг 1993 йилги бюджети ижроси ва 1994 йилги бюджети тўғрисида вилоят партия кенгаши биринчи котиби Ғ. Машарипов маъруза қилди.

Музокараларда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Хоразм вилоят қўмитасининг биринчи котиби Б. Бобожонов, вилоят ипакчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғининг муовини, корхона бошланғич партия ташкилоти котиби О. Оғабуллаев, табиатни муҳофаза қилиш вилоят қўмитаси раиси Р. Тоиров ва бошқалар қатнашдилар.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленумда вилоят ҳокимиятининг муовини Я. Жўманиёзов сўзга чиқди.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Долзарб мавзуда суҳбат*

Изидор КОЧМАРИК:

ПАРТИЯНИНГ МОЛИЯВИЙ АҲВОЛИНИ МУСТАҲКАМЛАШ—УНИНГ БАРЧА ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ЭНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ

Партиянинг фаолиятида унинг молиявий аҳволи қандай ўрин тутади? Ўзбекистон ХДП бюджети қай тарзда ва қандай манбалар ҳисобига шакллантирилади? Бюджетда партия аъзолик бадаллари қанча улушни ташкил этади? Пул қадрсизланиши давом этаётган бир шароитда партия бюджетининг даромад ва буромадлари ўртасидаги мувозонатни сақлаб туриб бўладими?

Шу ва бошқа саволларга таҳририят илтимосига кўра Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Марказий Кенгаши котиби И. А. КОЧМАРИК жавоб беради.

— Изидор Андреевич, суҳбатимиз мавзусига ўтишдан аввал умумийроқ тусдаги бир саволга жавоб берсангиз. Маълумки, ХДП Марказий Кенгашининг X пленумида партиянинг фаолияти учун биринчи даражали, муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалар кўриб чиқилди. Сиз уларни қисқача шарҳлаб бера олмайсизми?

— Ўзбекистон раҳбарияти амалга ошираётган ислоҳотлар йўлини сиёсий жиҳатдан фаол қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон ХДП фаолиятининг бош йўналишларидан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Масалан, ўтган пленумимизда ҳам партия ташкилотларининг Республика Президенти, ХДП Раиси И. А. Каримовнинг Республика Олий Кенгаши XV сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалари кун тартибига биринчи масала қилиб қўйилди. Давлатимиз раҳбари сессияда депутатлар олдида дастурий нутқ сўзлади, унда ислоҳотлар сиёсатининг бошланғич босқичи якунлари чиқарилди, бугунги кунда республика ва унинг ҳар бир фуқароси олдида турган энг муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Маълумки, биринчи босқичнинг асосий вазифаси — иқтисодиётда бозор муносабатларини оёққа турғизиш ва ривожлантириш учун ишончли замин яратиш ҳамда эскича тафаккур қолипларини енгиб ўтишдан иборат эди. Бугун ислоҳотларнинг биринчи босқичи муваффақиятли якунланди, деб дадил айтиш мумкин. Ислоҳотлар янги босқичининг асосий мазмун-моҳияти эса — иқтисодий эркинликни кенгайтириш, соғлом тадбиркорлик ва хусусий ташаббусни, кўп устқурмали иқтисодиётни қатъий оёққа турғизиш ишларини фаол қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Бу мақсадларга эришиш кўп жиҳатдан бутун жамиятнинг куч-ғайратларини бирлаштиришга, аҳолининг иқтисодиётни ислоҳ этишнинг янги босқичи хусусиятларини чуқур тушунишига боғлиқдир. Ана шундан келиб чиқиб барча даражадаги партия ташкилотлари И. А. Каримовнинг Олий Кенгаш сессиясида сўзлаган нутқи асосий қоидаларини тушунтириш юзасидан ишларни фаол авж олдиришлари зарур. Бунда мустақил давлатимиз интилаётган буюк келажак ўз-ўзидан келмаслигини атрофлича тушунтиришга асосий эътиборни қаратмоқ даркор. Зеро, буюк келажак фақат Ўзбекистон ҳар бир фуқаросининг машаққатли меҳнати ва куч-ғайратлари эвазига яратилиши мумкиндир. Шу боисдан ҳам бугунги кунда кишиларни бунёдкорлик меҳнатига, ислоҳотлар янги босқичини амалга оширишга фаол қатнашишга сабот ва изчиллик билан даъват этиш партия ташкилотларининг биринчи галдаги вазифаларидир.

Марказий Кенгашнинг X пленумида кўриб чиқилган иккинчи масала бу — Ўзбекистон Халқ демократик партияси ёшларга оид сиёсатининг асосий йўналишлари бўлди. Мамлакатимизнинг ёш фуқаролари маданиятли, билимли ва маънавий-руҳий бой, ўз Ватанининг чинакам ватанпарварлари бўлиб вояга етишлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш — ХДП фаолиятининг устивор йўналишларидан бири. Шуни айтиш керакки, республикада ўсиб келаётган ёш авлоднинг ижодий имкониятларини юзага чиқариш, уни жисмонан ва маънан соғлом қилиб тарбиялаш учун кўп ишлар амалга оширилаётир. Бу иш, айниқса, «Ўзбекистон республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганидан сўнг янада жадаллашди.

Мана шу вазифаларни ҳал этишда ҳам партия маҳалла қўмиталаридан тортиб то Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ва давлат идораларигача бўлган барча манфаатдор ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёрдир.

— Бунда ёшлар — партиянинг келажаги, деган эски, аммо синовдан ўтган ҳақиқатни ҳам унутмаслик керакмикин, деб ўйлайман.

— Ҳа, бу табиий ҳол. Келажаги, ўз сафларини тўлдириш ҳақида ўйлаганда, партия асосий эътиборни ёшларга қаратади. Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, ҳозирда бундай қизиқиш икки томонлама бўлаётир. ХДПга ёшларнинг келиб қўшилиши изчил суръатда ошиб бораяпти.

— Ҳамонки, партия ва ёшлар мавзусида гап кетган экан, афтидан, ўтиш даври шароитларида ёшларни биз-нинг биргина «эзгу доно маслаҳатимиз»нинг ўзи қаноатлантира олмаслигини айтиб ўтиш ўринлидир. Менимча, уларга катта дўстларининг ишончли елкадошлиги кўпроқ зарурдир... Фикрингизга қўшиламан. Айнан шу туфайли ҳам Ўзбекистон ХДП ёшларга доир сиёсатининг асосий йўналишларида амалда улар билан ўзаро ҳамкорлик ва елкадошлигимизнинг барча жиҳатлари ҳисобга олинган. Жумладан, ёшларнинг муҳтож қатламларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳам кўзда тутилгандир. Дарвоқе, ХДП кенгашлари ва бошланғич ташкилотлари бу масалаларга ҳамиша катта эътибор бериб келяптилар. Чунончи, бизнинг партиямиз республика Талабалар жамғармасининг таъсисчиларидан бири ҳисобланади. Биз бундан буён партия кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари ҳам ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этишда фаол қатнашишлари зарур, деб ҳисоблаймиз.

— Мана энди молиявий, моддий масалаларга ҳам яқинлашиб келдик. Агар ХДП ҳақида сўз юритадиган бўлса, молиявий ишлар ёки, замонавий ибора билан айтганда, иқтисодий мустақиллик унинг учун қандай аҳамиятга эга?

— Асосий тамойилни лўнда қилиб айтишга ҳаракат қиламан. Сиёсий партия учун унинг молиявий аҳволининг мустаҳкамлиги ва барқарорлиги, ўз ташкилотчилик ва сиёсий фаолиятини ҳеч қандай давлат товони ва турли ҳомийларнинг кўмагисиз ўз маблағлари ҳисобига пул билан таъминлаш қобилияти бениҳоя муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бунингсиз унинг ўз стратегик ва тактик вазифаларини белгилашдаги мустақиллиги ҳақида гапириш мумкин эмас. Шундан келиб чиқиб ХДП Марказий Кенгаши раҳбарияти партиямизнинг ташкил топган пайтидан бошлабоқ унинг бюджетини мустаҳкамлаш, тақчиллик бўлмаслигини таъминлаш ҳамда бутун партиявий ишларни ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ҳисобига йўлга қўйишни — партия фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири, деб ҳисоблаб келган.

— Бу мақсадни амалга оширишга қай тарзда эришилмоқда? Айтайлик, ўтган 1993 йил мисолида нималарни айтиш мумкин?

— Ўтган йили биз барча харажатларни қоплашни таъминлай олдик. Шуни таъкидлаш керакки, бунда биз бирмунча қатъий тарзда иқтисод қилиш, тежаш йўлидан бордик. Ишчи аппарат миқдорини энг кам даражагача қисқартирдик. Транспорт харажатлари, алоқа хизмати ва бошқа хўжалик эҳтиёжларига ҳақ тўлашни анча камайтирдик.

Бунда Республика Президентининг барча Фармонлари ва ҳукумат қарорларидаги иш ҳақи ҳажмларини индексациялаш ҳақидаги кўрсатмалар аниқ бажарилди ва бу партия ходимларининг пул даромадларини бошқарув соҳасидаги ҳамда жамоат ташкилотлари ишчи аппаратларидаги иш ҳақи билан таққослаганда тенг даражада, сақлаш имконини берди.

Умуман олганда, ўтган йили харажатларимиз 1 миллиард 814,6 миллион сўм купонни ташкил этди. Баланснi тўла қаноатланарли, деб ҳисоблаш мумкин, фақат бунда даромадлар харажатларимиздан бирмунча ортди. Бироқ, ўз-ўзини таҳқид руҳида шуни тан олиш керакки, партия бюджетини тўлдириш учун мавжуд барча имкониятлардан тўла даражада фойдаланилди, деб айтаолмайман. Ўтган йили Бухоро, Жиззах ва Сурхондарё вилоят партия ташкилотлари харажатларни даромадлардан анча ошириб юборишга йўл қўйдилар.

— Изидор Андреевич, партиявий ишларни молиявий жиҳатдан таъминлашнинг асосий манбаи — бу аъзолик бадалларидир. Бадалларни тўлаш ҳамда улардан фойдаланишнинг аҳволи қандай?

— Афсуски, аъзолик бадалларини тўлашда муаммолар мавжуд. Ўтган йили ҳам партия Марказий Кенгашининг, Сиёсий ижроия қўмитасининг мажлисларида биз бир неча бор бу масалани муҳокама қилдик. Адолат юзасидан айтиш керакки, аксарият партия ташкилотлари танқиддан тўғри хулосалар чиқаришди. Масалан, Тошкент шаҳар партия ташкилотида аъзолик бадалларини тўлаш аҳволи сезиларли даражада яхшиланди. Шаҳарнинг бир қанча туманларида бадаллар харажатларни қоплаш мумкин бўлган даражада туша бошлади. Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари партия ташкилотлари ҳам бу борада дуруст натижаларга эришаётирлар.

Шу билан бир қаторда, ички партиявий ҳаётнинг бениҳоя муҳим бўлган бу жиҳатига мутлақо масъулиятсиз муносабатда бўлинаётганлигига ҳам мисоллар оз эмас. Чунончи, бу биринчи навбатда Андижон, Бухоро, Самарқанд вилоятлари партия кенгашларига ҳам таллуқлидир. Ушбу партия ташкилотларида 1993 йилда бир партия аъзосига ҳисоблаганда бадалларнинг ўртача ойлик миқдори иш ҳақининг ўртача даражасидан келиб чиқиб қутиладиган бадал миқдоридан тахминан 1,5 баравар кам бўлди.

Бу ва бошқа партия кенгашлари аъзолик бадалларини тўлашга бундай эътиборсиз муносабатда бўлаверсалар, ўз молиявий аҳволларини кескин даражада чегаралаб қўйишлари мумкинлигини тушуниб етишлари даркор. Чунки, партия Низомига мувофиқ, барча бадаллар йиғилган жойидаги шаҳар ва туман ташкилотлари ихтиёрида қолади. Дарвоқе, шуни ҳам алоҳида айтиш керакки, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг харажатлари учун бу маблағлардан бирор тийин ҳам олинмайди, шунингдек, маҳаллий партия ташкилотларининг бюджетларидан ҳам ҳеч қандай бошқа маблағлар олинмайди.

— Бироқ, аъзолик бадалларидан тушадиган маблағлар, чамаси, партия фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлашнинг ягона манбаи бўлмаса керак?

— Худди шундай. ХДП Низомида ҳам, амалдаги қонунчиликда ҳам ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти билан шуғулланиш имконияти кўзда тутилган. Бундай фаолиятни йўлга қўйиш жараёнида биз бир қатор корхоналар ташкил этдик, турли халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ҳам партия маблағларини қўйганмиз. Булар бизга олинган фойдадан тегишли чегирмалар ҳисобига партия бюджетини тўлдириш имконини беради.

— Бу партиянинг молиявий сиёсати асосида ўз-ўзини маблағ билан тамъинлаш тамойили ётибди, деган хулоса чиқаришга асос берадими?

— Ҳақиқатан ҳам шундай. Партия ўз фаолиятини ўз маблағлари ҳисобидан таъминлаб туради ва бунда давлатдан ҳеч қандай товон олмайди. Биз партия ташкил топган биринчи кунларданоқ ана шундай тамойилга амал қилиб келяпмиз. Агар биз бундай тамойилдан чекинадиган бўлсак, бу бозор муносабатлари шароитида партиянинг молиявий инқирозга юз тутишига олиб келиши тайиндир. Бу биринчидан.

Иккинчидан эса бизнинг кадрларимиз, партия кенгашларининг раҳбарлари боқимандалик кайфиятига берилмай, ана шундай шароитда ҳаракат қилишга, партиявий иш эҳтиёжлари учун зарур бўлган харажатларни тўла қоплашга, қўшимча маблағларни ўзлари мустақил ахтариб топишга ўрганишлари ниҳоятда муҳимдир.

— Агар сир бўлмаса, ХДП бўйича бу маблағнинг жами миқдори қанча?

— Албатта, бу борада ҳеч қандай сир йўқ. Марказий Кенгаш пленуми партия бюджетининг харажат қисмини 7,5 миллиард сўм-купон миқдорида тасдиқлаганлиги ҳақида матбуотда маълум қилинган эди. Барча даражадаги партия аппаратларининг мавжуд энг кам лавозимлар жадвалларини назарда тутганда харажатлар шунча миқдорни ташкил этади.

— Бу аҳволни барча даражадаги партия кенгашлари бундан буён анча қийналиб қоладилар, «кўрпага қараб оёқ узатишлари керак», деган маънода тушуниш мумкинми?

— Йўқ, гап бу ҳақда бораётгани йўқ. Агар харажатлар зарур меъёрдан ошиб кетмаса, «кўрпага қараб оёқ узатиш» қийинчиликлари юзага келмайди, албатта. Масалан, биз «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталаримизни молиявий жиҳатдан таъминлашга сезиларли миқдорда маблағ ажратмоқдамиз, Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган ва Самарқанд вилоят партия кенгашлари газеталарини ҳам молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турибмиз.

Айни чоғда маблағларни оқилона тарзда тежаш ҳам зарурдир. Барча партия кенгашлари бу масалага катта масъулият билан қарашлари лозим. Аввало, молиявий интизомни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, аъзолик бадалларини тўплашда зарур тартибни йўлга қўйиш керак.

Ҳар бир партия кенгашидан тежамкорликни кучайтириш, партия бюджети маблағларини сарфлашга янада оқилона ва тежамкорлик билан муносабатда бўлишни таъминлаш талаб этилади. Гап харажатларнинг режалаштирилган бандларини яна бир бор диққат билан кўриб чиқиш, уларни оқилона тарзда камайтириш имкониятларини ахтариб топиш ҳақида бормоқда.

Пировардида 1994 йилги бюджетни тўлдириш ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳар бир партия ташкилотининг биринчи даражали иши бўлиши кераклигини яна бир бор таъкидлашни истар эдим. Биз партиянинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш билан унинг қудратини сезиларли даражада оширамиз ҳамда аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий ишларни олиб бориш имкониятларимизни ҳам кенгайтирамиз.

НОЗИКОЙ МОМОНИНГ МИНГ БИР КУНИ

Нозикой момо ҳаёлига келган фикрдан ҳаяжонланиб кетди. Уни эрталаб неваралари ўраб олиб қанд беринг момо, қанд беринг момо, деб жон ҳолига қўймайди. Рўйҳат билан бериладиган қанд эса етишмайди. Кел, шу норасидаларни бир хурсанд қилай...

Эртасига момо қанд лавлаги дамлади. Кечаси билан қайнаган лавлаги ҳолвадай бўлиб пишди. Тагида бир косача ширини ҳам чиқди. Нишолдадай қуюқ, қошиқ солиб қўтарсангиз чўзилади. Неваралари ўртага олиб, қанд, қанд деганида бир кесимдан лавлаги берди. Хурсанд бўлган болалар момосини қайтай-мақтай тарқалишди. Лекин шу пайтда момонинг кўнгли бошқа ёқда эди. Қўли билан неваларига лавлаги бераётиб, ҳаёлини уруш йиллари олиб кетганди.

У уруш йилларида иккита етим болани асраб олган эди. Бирининг исми Ханжар, иккинчисиники эса Санжар. Бу исмларни уларга момонинг ўзи қўйганди. Бирини Ханжар деб атадики, эртароқ душманнинг бўғзига ханжар қадалсин, иккинчисини Санжар деб атадики, халқ қаҳрамонларидан бўлиб эртароқ душманни даф қилсин. Ўша пайтда ахир Ёвқочди, Ёвбосар деган исмлар кўпайиб кетувди-да.

Ҳозир неваларига лавлаги бераётиб ўша дамлар бенҳтиёр кўз олдига келди-ю, ўзини тутолмади. Алам қиладиган томони кунларнинг бирида асранди болаларини йўқотиб қўйди, онани яратмасин экан, ҳудди ўзининг ўғлини йўқотгандай зор қақшади. Самарқанд шаҳри қолмади, маҳаллама-маҳалла кезиб чиқди, Ургут қайдасан деб йўлга чиқди. Тополмади. Кўрдим, кўрмадим деганлар кўп эди, лекин она меҳрини бериб улгурган экан, қийин бўлди. Айниқса, бир куни асраб олган болалари олдига хомуш кириб келганда эҳтимол уларга меҳри жўшиб кетгандир.

Мен Галлаорол туманидаги Чувиллоқ қишлоғида яшовчи Нозикой момо ҳақида ҳикоя қилмоқдаман. Менга юқоридаги воқеаларни айтиб бераяптию, йўқолган пичоқнинг сопи олтин — ўша болаларини эслайди. 80 ёшни қоралаб қолган онахоннинг ҳаёт йўли, айниқса уруш йилларида кечирган кунлари эслашга арзигулик. 40-йилларда онлавий бўлиб Фарҳод каналида эртаю кеч ишловчиларга таом пиширган. Уруш бошланиб қолиб эрини фронтга жўнатган, ўзи икки яшар ўғли билан қишлоққа қайтиб келган ва бу ерда яшай олмай Самарқанд вилоятидаги Жомбой туманига кетган, икки болани асраб олиб кейин йўқотиб қўйган Нозикой она ҳақида ёзмасдан бўладими? Нозикой она галла ўрди, лавлаги етиштирди, пахта терди. Ўзи емади, кўп қатори фронтга жўнатди.

— У етишмайди, бу етишмайди десак ношукурчилик бўларди, ўғлим,— деди Нозикой момо.— Ҳақиқий қийинчиликларни биз кўрганмиз, лекин шунда ҳам зорланмаганмиз. Энди айтсак афсонадек туюлади. Уруш вақтлари Булунғурда қанд заводи борлигини биламан. Ўша заводга лавлаги жўнатардик. Ўзимизнинг оғзимизга қанд тегмас эди, ҳаммаси фронтга эди. Биз лавлагини дамлаб, пишириб жон сақлаганмиз. Ундан кейин тут кўп бўларди. Ҳалиям Самарқанднинг йўлларида, Жомбойда тут дарахтларини кўрсам юрагим орзиқиб кетади. Тутдан талқон, шинни қилардик. Ўрикларни исроф қилмасдик. Шуларнинг ҳаммаси қанднинг ўрнини босарди-да. Ўғли Исмат аканинг ўн нафар фарзанди бор. «Галлаорол-Тошкент» маршрути бўйлаб йўловчиларга хизмат қилади. Кичик ўғли Пирмат ҳам акасининг касбини танлаган. Иккаласи ижара қилиб Кореядан келтирилган «ДЕУ» автобусини ҳайдашади.

Нозикой момо тоғ табиатини саҳовати, меҳнатнинг шарофати бўлса керак, ҳали бардам-бақувват. Ҳар йили келинларига пилла қурти боқишда кўмаклашади. Гап орасида кулиб қўяди, бир йили чарчаб қоласи, деб раҳбарлар момога қурт уруғи беришмабди. Лекин момо ҳуфиёна уруғ ўстириб, 40 кило пилла топширибди. Унга қурт бермаймиз, деганлар ер чизиб қолишибди.

Халқимизда қари билганни пари билмас деган гап бор. Нозикой момо Равшанова билан суҳбатлашсангиз бир енгил тортасиз. Эртанги кунга умидингиз ортади.

Пардабой ТОЖИБОЕВ.

Йигирув дастгоҳи ёнида турган бу қиз Марҳамат йигирув-тўқув фабрикасининг илғор чеварларидан бири Барно Ҳожимўминовадир. У бу ерда атиги уч йилгина фаолият кўрсатаётган бўлса-да илғор уста йигирувчи даражасигача кўтарилди.

Муҳими, айни кунда бу ерда унинг издошлари кўпчиликни ташкил этмоқда. Шу боисдан корхона жорий йилнинг биринчи чорагида 43 тонна калава, 110 минг пагон метр газмол ишлаб чиқариб, белгиланган режаларини ортиғи билан адо этишди.

СУРАТДА: фабриканинг илғор ишчиси Барно Ҳожимўминова.

Ш. Олимов (ЎзА) олган сурат.

ПОШХУРТ ШИФОБАХШ СУВИ

Айтишларича, Пошхурт — Бўзқурт қадимги туркчада Катта бўри маъносини англатар экан. Қадимги қўрғонлару виқорли тоғлар орасида жойлашган бу қишлоқ қоракўл тери, гилам, дўппи, узуми билан Сурхон воҳасида қадимдан машҳур бўлган. Шу қишлоқда туғилиб ўсган Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев унинг одамлари, тоғу булоқларини ўзининг камалакдек рангтасвирларида акс эттириб ҳаммага танитди.

Пошхуртда топилган Кашинский-XIII типидаги шифобахш сув қадимий қишлоқ номини янада машҳур қилди. «Зилол» кичик корхонаси томонидан буюртмачиларга етказиб берилаётган шифобахш оби-ҳаёт Семашко номидаги илмий-текшириш институти берган хулосага кўра натрий, магний ва кальций моддаларига бойдир. У ошқозон-ичак, жигар, буйрак, сариқ касалликларига даво ҳисобланади. Ҳозирча кунига 5 минг шиша шифобахш сув чиқариляпти. Келажакда кичик корхона заводга айлантирилиб соатига 6 минг шиша сув чиқариш қувватига эга бўлади.

Норбобо ШАКАРОВ.

Янгиликлар Воқеалар Хабарлар

„БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН...“

ХАЛҚАРО КЕНГАШ

● Хўжанд шаҳрида Россия, Ўзбекистон, Беларусь, Қирғизистон ва Тожикистон меъморлари иштирокида халқаро кенгаш бўлиб ўтди. Анжуманда меъморлик, шаҳар қурилиши ҳамда кўҳна Хўжанд шаҳрини ободонлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Шаҳарсозлар режасига кўра Хўжанд келгусида 700 минг нафар аҳолига эга бўлган гўзал шаҳарга айланади. Унинг таркибига ҳозирги Чкалов, Қайроққум шаҳарлари, Хўжанд тумани, Темурмалик посёлкаси киради. Шу сабабли Хўжанд шаҳри қурилиши лойиҳасини яратиш учун халқаро танлов эълон қилинди.

ЯНГИ НАШРЛАР

● Тожикистонда «Ижтимоий ҳимоя» ва «Ваҳдат» номли янги нашрлар чоп этила бошлади.

«Ижтимоий ҳимоя» журнали республика ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги органи бўлиб, уч ойда бир марта тожик тилида нашр қилинади. «Ваҳдат» рўзномасини эса муштарийлар ўзбек ва тожик тилларида ўқийдилар.

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ

● БИШКЕК. Бишкек шаҳри ҳокими Жўмабек Ибраимов қарори билан Қирғизистон пойтахтида фавқулодда эпидемология ҳолати эълон қилинди.

Шаҳарда санитария ҳолатининг кескин ёмонлашгани ва юқумли ошқозон-ичак касалликларининг кўпайгани бунга сабаб бўлди. 5 ой давомида ичбуруғ билан касалланган одамлар сони ўтган йилдагига қараганда 1,3 маротаба, ич терлама касали билан оғриганлар сони эса 2 маротаба ошди.

ХАЛҚАРО МУКОФОТ ҒОЛИБИ

● Шимолий Қозоғистон вилоятидаги «Лениногор полиметалл комбинати» ҳиссадорлик бирлашмаси юқори сифатли маҳсулотни учун «Бриллиант юлдуз» халқаро мукофотига сазовор бўлди.

Бу бирлашма тарихидаги йигирма иккинчи халқаро мукофотдир. Бу ерда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг 90 фоизи жаҳон талабларига жавоб беради. Мексикадаги халқаро институт тадқиқотчилари дунёнинг 112 мамлакатида 12 минг тадбиркорнинг фикрини ўрганганч, шу хулосага келди.

ФОЙДАЛИ УЧРАШУВ

● АҚШ давлат котибининг собиқ ўринбосари, ҳозирги кунда эса Кэттеринг жамғармаси халқаро дастури директори Гарольд Сандерс бир неча кун мобайнида Душанбеда бўлди.

Ў республика раҳбарлари билан учрашди, жамоат ташкилотлари, олий ўқув юртларида бўлиб, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазият билан яқиндан танишди. Турли соҳаларда ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш юзасидан музокаралар олиб борди.

ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНАЛАР

● Тожикистон Республикаси хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни тобора кенгайтирмоқда.

Яқинда Жанубий кореялик бир гуруҳ ишбилармонлар ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳамда қўшма корхоналар ташкил этиш мақсадида Тожикистонда бўлдилар. Музокаралар интиҳосида Душанбе, Хўжанд ипак комбинатлари қошида пахтани қайта ишлайдиган, кийим-кечак тайёрлайдиган қўшма корхона қуришга аҳдлашилди.

АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

● Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар давлат вазири Салмон Хуршид Тожикистон Республикасига ташриф буюрди.

У икки мамлакат ўртасида сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш хусусида республика раҳбарияти билан музокаралар олиб борди, жумладан Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Имомали Раҳмонов қабулида бўлди.

«ЭКОСАН» БЎЛИМИ ОЧИЛДИ

● Марказий Осиёда экология мувозанати бузилишидан жабр кўрган Тожикистон аҳолисига тиббий ёрдам бериш «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси Тожикистон бўлимининг асосий мақсади бўлади. Яқинда Душанбе шаҳрида шу бўлим очилди.

Қўшни республикада «Экосан» бўлимини очишнинг бир неча сабаби бор. Энг муҳими — Марказий Осиёда экология жиҳатидан ҳавфсиз яхлит бир тизимни яратишга, минтақада экологик таълим ва тарбия муаммоларига умумий оқилона ёндашувни ишлаб чиқишга Тожикистон олимларини, тиббий ходимларини, жамоат арбобларини жалб этишдан иборат. Бўлим таркибига Тожикистон вазирликлари ва идораларининг раҳбарлари ҳам кирган.

Кучларни шу тарада бирлаштириш зарурати аллақачон етилган эди. Чунки Марказий Осиёдаги ҳамма давлатлар аҳолиси пухта ўйламай янги ерларни ўзлаштириш, саноатнинг кимё ва унга туташ тармоқларини ривожлантириш оқибатларини маълум даражада сезиб турибди. Халқаро жамғарма Тожикистон бўлимининг фаоллари мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган «Тоза сув», «Соф ҳаво» каби «Экосан» дастурларини Тожикистонда амалга ошириш билан шуғулланадилар. Экология салбий омилларининг аҳоли саломатлигига таъсирини камайтиришга қаратилган эзгу ишлар қоғозда қолиб кетмаслиги керак.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Янгиликлар Воқеалар Хабарлар

«Темур... буюк иморатлар барпо этди ва уларни улкан боғу-роғлар билан ўради, шаҳар ва қишлоқларни тиклади, сув иншоотлари барпо этилди ва бузилганлари тузатилди. У обод қилиш мумкин бўлган бир қарич ерни ҳам бўш қолдирмас эди... Мусулмон меъморчилигининг энг яхши даври Темур ва унинг авлодлари номи билан боғлиқ».

КЛАВИХО, испан элчиси.

* * *

«...Ҳиндистоннинг энг буюк императори, чеҳраси қуёшу ой каби нурли, султонлар султони, бемисол Бобур ибн Умаршайх Мирзо ибн Абусанд Мирзо ибн Султон Муҳаммад Мирзо ибн Мироншоҳ ибн Темурга зудлик билан шу хусусда етказурманким, токи ул олий ҳазрат Европа босқинчиларининг талон-торожига чек қўйсин».

ВОЛЬТЕР, буюк француз файласуфи.

„ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" — Ёшларга

ИККИ БУЮК ТАҚДИР

(АМИР ТЕМУР СИЙМОСИ БОБУР МИРЗО ТАЛҚИНИДА)

Заҳириддин Муҳаммад Бобур улуғ бобокалони Амир Темур даҳосидан қонуний равишда ҳамиша ифтихор қилар эди. Бу ифтихор туйғуси унинг дунё миқёсида буюк давлат ва маданият арбоби бўлиб етишувида ҳал қилувчи аҳамият касб этгани шубҳасиз.

Ҳазрати Бобур ўз эсдаликларида Амир Темур номини доимо зўр эҳтиром, ихлос билан тилга олади. «Бобурнома»нинг илк саҳифаларидаёқ у ўз насл-насаби Темурнинг олий шажарасига бориб тақалишини мамнуният ва ғурур билан қайд этади: «Умаршайх Мирзо Султон Абусаид Мирзонинг тўртунчи ўғли эди. Султон Аҳмад Мирзо, Султон Муҳаммад Мирзо, Султон Маҳмуд Мирзодин кичик эрди. Султон Абусаид Мирзо Султон Муҳаммад Мирзонинг ўғли эди. Султон Муҳаммад Мирзо Мироншоҳ Мирзонинг ўғли эди. **Мироншоҳ Мирзо Темурбекнинг учинчи ўғли эди.** Умаршайх Мирзо (Темурнинг ўғли — Х. С.) билан Жаҳонгир Мирзодин кичик, Шоҳрух Мирзодин улуғ эди».

Амир Темурнинг жаҳонгирлик шавкати, мамлакатдорлик сиёсати Бобур Мирзонинг мудом диққат марказида бўлиб келган. Гарчи «Бобурнома»нинг бизгача етиб келган саҳифаларида муаллиф улуғ аждодининг қалб дафтари — «Темур тузуклари»ни бевосита зикр этмаса-да, унинг бу асарни қайта-қайта мутолаа қилгани, давлатдорлик асослари ва саркардалик санъатининг кўпгина сирларини шу китобдан ўқиб-ўргангани табиийдир. Чунки Бобурдек закий, маърифатли шахснинг бу муҳим сиёсий-ҳарбий қўлланмадан бехабар қолиши, унга ўзининг ёрқин баҳосини бермаган бўлиши мумкин эмас. Ўз даврида бу китоб соҳиби тожларга ҳаётий дастуриламал сифатида хизмат қилган. Катта-кичик ҳукмдорлар шу мўъжаз рисолага улкан қизиқиш билан қараганлар. Жумладан, Бобурнинг авлоди Шоҳ Жаҳон, Қўқон хони Муҳаммад Алихон, Бухоро амири Абдулаҳадхон хушхат котибларга буюриб «Темур тузуклари»дан ўзлари учун нусха кўчиртирганлар.

Балки «Бобурнома»нинг йўқолган саҳифаларида бу асар хусусида бирон-бир маълумот баён қилинган бўлса, эҳтимол. Афсуски, биз буни энди фақат тахмин қилишимиз мумкин, холос.

Биламизки, Амир Темур жаҳонгирлик бобида беназир салоҳият эгаси бўлган Турк адиби Холдун Тапернинг ёзишича, Мустафо Камол Отатурк Амир Темурни энг буюк ҳарбий арбоб деб билар эди.

Муҳтарам корпус генерали Дониёл Юрдатапаннинг гувоҳлик беришича, Отатурк бир суҳбатда шундай деган экан: «Менимча, дунёдаги энг улуғ саркарда — Амир Темурдир. У ҳеч бир жангини омадга кўз тутиб, таваккал билан бошлаган эмас. Ҳар бир юришга йиллаб тайёргарлик кўриб, ишнинг миридан-сиригача пухта режалаштирган».

Бобур Мирзо унга муттасил ҳавас билан қараган, ўзининг ҳар бир қадами, ҳар бир ҳатти-ҳаракатини бобокалонининг фаолият кўзгуси билан қиёслаб, таҳлил қилиб борган. Албатта, Амир Темур ва Бобур Мирзонинг жанговар шуҳрати миқёс ва кўлам жиҳатидан, моҳият ва салобат жиҳатидан ажралиб туради, аммо уларнинг саркардалик тақдирида муштарак бир макон борки, у ҳам бўлса, қадимий Ҳиндистон диёридир.

Ҳиндистон! Не-не фотиҳларнинг кўзини ўйнатган, не-не шоирларни ўзига мафтун этган афсонавор ўлка!

Амир Темур 1399 йилда Ҳиндистонни қўлга киритади. «Темур тузуклари»да бу улуғ мамлакат сари юришнинг тарихи, унга қай тариқа узоқ ва пухта режалар тузилгани-ю уларнинг қандай қилиб амалга оширилгани ҳақида батафсил маълумотларни учратиш мумкин. Жумладан, Темур сафар олди кенгашини шундай тасвирлайди: «Даставвал, фарзандларим ва амирларимнинг кўнгли, ўй-фикрларини билиш учун уларга маслаҳат солдим. Амирзода Пирмуҳаммад Жаҳонгир: «Агар Ҳиндистонни олсак, унинг олтинлари билан бутун ер юзини эгаллаймиз», деди. Амирзода Муҳаммад Султон эса: «Ҳиндистонни оламиз-у, бироқ тўсиқлар бор: биринчиси — дарёлар, иккинчиси — ўрмону тўқайлар, учинчиси — бошдан-оёқ қуролланган сипоҳийлар ва одам ов қилувчи қутурган филлари кўп», деди. Амирзода Султон Ҳусайн: «Агар Ҳиндистонни қўлга кирита олсак, тўрт иқлимга ҳукмрон бўлурмиз», деди. Амирзода Шоҳруҳ деди: «Мен туркларнинг қонунларида ўқиган эдимки, жаҳонда бешта шон-шавкатли подшоҳ бордир. Уларнинг улуғворлигини ҳурматлаб номларини атамай лақаблари билан айтадилар: Ҳинд подшосини — рой, Рум подшосини — қайсар, Хитой ва Чину Мочин подшосини — фағфур, Туркистон подшосини — хоқон, Эрону Турон подшосини — шаҳаншоҳ дейдилар. Шаҳаншоҳ ҳукми ҳамиша Ҳиндистон мамлакатларида жорий этиларди. Ҳозир Эрону Туронзамин бизнинг қўлимизда бўлгани учун, Ҳиндистонни фатҳ этмоғимиз лозимдир». Амирлар эса: **«Боринг-ки, Ҳиндистонни олдик, ҳам дейлик. Бироқ у ерда турғун бўлиб қолсак, наслимиз йўқолади, авлодларимиз ўз аслидан ажраб, тиллари ҳиндча бўлиб кетади»,** дейишди. Мен бўлсам, «Ҳиндистонга юриш учун ҳиммат камарини белга боғлаганимдан ўз азму жазмимдан воз кечишни истамадим...».

Соҳибқирон мушкул, синов ва жумбоқларга дуч келганида аксар Қуръони каримдан фол очар, тангри иноятн билан кўпинча у хайрли бўлиб чиқар эди. Шу сафар ҳам ҳазрати Темур шундай йўл тутади:

«... шундай жавоб қилдим: «Тангри таолога ўтинч билан мурожаат қилайлик. Жанг қилиш ёки қилмаслик ҳақида Қуръондан фол очайлик, токи Тангри таоло нени буюрса, шунга амал қилгаймиз». Ҳаммалари менинг таклифимни маъқуллашди. Қуръони мажиддан фол очсам, ушбу улуғ оят чиқди: «Эй пайғамбар, кофирларга ва мунофиқларга қарши жаҳд қилгил». Уламо мазкур оятнинг мазмунини амирларга тушунтириб берганидан кейин бошларини эгиб, жим бўлиб қолдилар...».

Мазкур воқеалардан сўнг орадан қарийб бир ярим аср вақт ўтгач, темурий тождорлардан бири — Бобур Мирзо Ҳиндистон сари юз тутмоққа қарор қилади. Улуғ аждоди сингари у ҳам яқин бекларини тўплаб машварат қилади. «Бобурнома»нинг 1507—1508 йил воқеалари тавсифида қуйидагиларни ўқиймиз: «...бекларни тилаб машварат қилилди. Бу сўзлар ораға туштиким, ўзбек ва Шайбоқхондек ёт эл ва қари душман жамиъ Темурбекнинг авлодининг илгидаги вилоятқа мутасарриф бўлдилар. Турк ва чиғатойдин ҳар гўша ва канорда ҳам ким қолиб эдилар, баъзи рағбат била, баъзи карҳ била ўзбакка пайваста бўлдилар. Бир мен Кобулда қолиб эдим. **Душман бисёр қавий, биз кўп заиф, не маслаҳат қилмоққа эҳтимол, не муқоварат қилмоққа мажол.** Мунча қувват ва қудрат. Ўзумизга бир ер фикрини қилғуликдур ва бу миқдор фуржа ва фурсаттақавий душмандин йироқроқ айрилғулуқтур, ё Бадахшон жониби, ё Ҳиндустон сори жазм қилмоқ керак. Бу икки тарафдин бир тарафға бормоқни жазм қилмоқ керак. Қосимбек ва Ширимбек тавобии била Бадахшон бормоққа барин эдилар. **Мен ва баъзи ички беклар Ҳиндустон тарафи бормоқни таржиҳ қилдук...».**

Агар Амир Темур Ҳиндистонни забт этишдан давлатига давлат, шуҳратига шуҳрат қўшишни, ўз мавқеи ва нуфузини янада юксалтиришни кўзда тутган бўлса, Бобур Мирзонинг ниятлари бўлакча — **«ўзига бир ер фикрини қилғулик»,** яъни муқим бир вилоятни қўлга киритишдан иборат эди. Чунки юқорида зикр этилган лавҳадан ҳам аён бўлдики, бу давр Бобур Мирзо ҳаётидаги энг мушкул, омадсиз, ишлари тараққийдан таназзулга юз тутган бир пайт эди. Шундай вазиятда унинг аввало Оллоҳ таолодан, сўнгра улуғ аждодларининг руҳи покларидан мададу таянч илтижо қилиши табиий бир ҳолдир. Шу боисдан ҳам ички бир ишонч билан айта оламизки, ҳазрати Бобур биринчи галда соҳибқирон Темур даҳосидан кўмак тилаган, унга қайта-қайта юқунган.

Ҳокимият жилови қўлидан кетган ҳукмдорнинг сўзи ҳам ўтмас қиличдай бўлиб қолади. Бобур Мирзо бу фикрни Ҳиндистон сафари мисолида изтироб билан эътироф этади. Бекларнинг бир қисми унинг қарори билан ҳисоблашмай, ўз билгиларича иш тутишга киришади: «Мирзохон Бадахшон жонибига майл қилди. Мирзохонга Бадахшон сори рухсат берилди. Шоҳбегим ҳам Мирзохон била мутаважжиҳ бўлдилар. Менинг холам Меҳр Нигорхоним ҳам Бадахшон бормоқ бўлдилар. Менинг била бўлмоғларининг муносабати кўпрак эди, туққонлари эдим, ҳар неча манъ қилилди, мамнуъ бўлмадилар. Улар ҳам тебрадилар...»

Аркони давлат орасидаги ботиний қаршиликдан ташқари душманларнинг, жумладан, Кобул атрофидаги афғонларнинг очиқдан-очиқ ғанимлик ҳаракатлари ҳам Бобур Мирзога ташвиш устига ташвиш орттирар эди: **«Мени Кобулни ташлаб Ҳиндустонга борадур, деб, бир ёмонлиқларида бўлди, яхшилари ҳам ёмонлиққа эврулди».**

Аммо азму шижоат бобида Бобур Мирзо буюк Темурнинг муносиб вориси эди. Бинобарин, мушкул вазиятда ўзини йўқотиб, ганг-иб ўлтиришлик унга хос эмас эди: «Афғонларни қувлаб тоққа чиқдим, бир афғон қуйи ёнимдин ёнлаб қочуб борадур, қўлиға ўқладим. Бу ўқ теккан афғонни, яна бир неча афғонни тутуб келтурдилар. Сиёсат учун баъзисини сихққа ўлтурғузилди».

Очиқ душманлардан ташқари қўшин ичида ҳам бузғунчилар етарли даражада эди. Бобур Мирзо улардан бири ҳақида шундай ҳикоя қилади:

«Мундоқ маҳалдаким, ўтган воқойиъ ва ҳолот паришон сўз ва калимоттин, нечукким мазкур бўлди, черик элининг тараддуди ва таваҳми бисёр эди. Муҳаммад Шариф мунажжим шумнафас, агарчи менга айтур ёроси йўқ эди, ҳар кимга йўлуқса, муболағалар била айтур эдиким: «Бу айёмда Миррих ғарб саридур, ҳар ким бу тарафдин урушса, мағлуб бўлур». Мундоқ шумнафас неким сурди, бедил элнинг кўнглини кўлрак синдурди. Анинг бу паришон сўзларига гўш қилмай, қилур ишларимизни тигилмай, уруш ишида бажид ва масоф қилмоққа мустаид бўлдук».

Аслини олганда, Бобур Мирзонинг Ҳиндистон сари мўлжаллаган юриши йўлидаги ғовлар фақатгина шу каби ҳолатлар эмас эди. Асосий муаммо, унинг ўз сўзлари билан айтганда, **«душман бисёр қавий, биз кўп заиф»** эканлигида эди. Бинобарин, бундай кезларда ҳазрати Бобур соҳибқирон бобокалонининг тарихий тажрибаларига мурожаат қилиши шубҳасиз эди.

Амир Темурнинг бу борадаги жасорати эса ғоят ибратли эди. Жумладан, бир ўринда у қуйидаги мулоҳазаларни баён этган: «Лашкардан кўнглим тинчлангач, Илёсхожага қарши жангга ҳозирлик кўра бошладим. Уни даф этиш ва қай йўсинда уруш олиб бориш ҳақида қилган кенгашим шу бўлдики, ғанимлар хабардор бўлиб улгурмасидан уларнинг устига чапдастлик билан қўққисдан босқин қилиш (туркоз)га қарор қилдим. Бу хусусда Қуръони мажиддан фол очиб қарасам, ушбу ояти карима чиқди: **«Қанчадан-қанча кичкина гуруҳлар Оллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан ғалаба қилган».**

...Баъзан тасаввуримда шундай бир манзара жонланади: Кобул билан Ламғон орасидаги тоғу тошларда чодир тикиб ўлтирган Бобур Мирзо сахтиён муқовали «Темур тузуклари»ни мутолаа қилиб, йўл-йўриқ ва нажот излаётир. Ногоҳ унинг нигоҳи мазкур сатрларга тушадию хаёли чарақлаб ёришиб кетади. Ҳиндистон орзуси бирданига яқин, қўл билан тутса бўлгудек бир ҳолга келиб қолади...

Шунинг учун ҳам у Ҳиндистон азиматига узоқ ва ҳар томонлама тайёргарлик кўради. Шавкатли аждоди Темурбекнинг қадами теккан ёки унинг ўлмас довруғи таралган масканларни сарсон-саргардон кезар экан, ҳамиша соҳибқирон билан ғойибона мулоқотда бўлади, унинг ўгитларидан таскин-тасалли ахтаради, унга алоқадор ҳар бир тарихий маълумотни қалб дафтарига алоҳида эҳтиром ила қайд этади:

«Темурбек Ҳиндустонга кириб чиққанидин бери бу неча вилоятким, Беҳра ва Хушоб ва Чоноб ва Чанут бўлғай, Темурбекнинг авлодининг тавобиъ ва лавоҳиқи тасарруфида эди...».

Ёки Самарқанднинг муаззам гумбазларига, нилий осмонига термилар экан, у яна Амир Темурни ёд этади:

«Самарқандни Темурбек пойтахт қилиб эди. Темурбекдин бурун Темурбекдек улуғ подшоҳ Самарқандни пойтахт қилган эмасдур».

Бобур Мирзо юрган йўлларида беихтиёр соҳибқирон изларини излайди, у ҳақдаги ўтмиш ҳикояларига ихлос билан қулоқ тутади. «Даҳкатда мен бир калонтарнинг уйига тушдим,. — деб ёзади у, — қари киши эди, олтмиш-етмишда бор эди, вале онаси ҳануз бор эди, юз ўн бир ёшда эди. Темурбек Ҳиндустонга кирганда бу хотуннинг уруқ-қаяшидин бири ул черикка бориб экандур, ул хотирида бор эди, ҳикоят қилур эди...».

Ўз замонасининг ёки ундан илгари — кейин ўтган давлат арбобларининг сиёсий-ахлоқий хатти-ҳаракатларига баҳо берар экан, ҳазрати Бобур Амир Темур фаолиятини доимо асосий мезон қилиб олади. Шу мезонга суяниб, ҳукм-мулоҳазаларини баён қилади. Масалан, у Султон Ҳусайн Бойқарога Шайбонийхонга қарши биргаликда кураш олиб бориш таклифи билан мурожаат этганида, подшоҳнинг бу масалага муносабатини худди ана шу нуқтан назардан изоҳлайди:

«Султон Ҳусайн Мирзонинг бу хатлари мужиби ноумидлик бўлди. Не учунким, Темурбекнинг юртида бу тарихда андин улуқроқ подшоҳ ҳам ёш ва ҳам вилоят ва ҳам черик била йўқ эди... **Султон Ҳусайн Мирзодек Темурбек ўрнига ўлтурғон улуғ подшоҳ ғаниммнинг устига юрумакни демай, ер беркитмакни деса, эл ва улуса не умидворлиқ қолғай?»**

Туркистон ўлкасида ўзаро фитналар, адоват ва низолар билан кундан-кунга заифлашиб бораётган темурий ҳукмдорларнинг аҳволи Бобур Мирзони қаттиқ изтиробга солар эди. Султон Ҳусайн Мирзодан мазкур жавобни олганидан сўнг у тақдир ўзининг зиммасига мисли кўрилмаган тарихий бир масъулият юклаганини — темурийлар салтанатининг шаъну шавкатини сақлаб қолиш ва уни янада тараққий қилдиришдек машаққатли вазифа чекига тушганини ички бир туйғу билан англайди. Шунга кўра «...ушбу тарихқача (яъни 1507 йилгача — Х. С.) Темурбекнинг авлодини бовужуди салтанат мирзо дерлар эди, ушбу навбат буюрдумким, мени «подшоҳ» дегайлар», дея ўз азму қарорини эл-улусга, дўстлари ва ғанимларига ошкор қилади.

Ва шу тариқа Ҳиндистонни забт этиш орзуси хаёлдан амалий ҳаракатга айлана боғлайди. Шу кезларда Тангри таоло унга яна бир ўғил ҳадя этади. «Беҳрани олғонда бу хабар етар, таяммунан ва тафаъулан отини **Ҳиндол** қўйдилар. Бу муносабатлардин манга ҳам инидур ва ҳам фарзанд».

Ҳиндистон сари от қўйишдан олдин Бобур Мирзо «Темур тузуклари»ни яна бир карра кўздан кечириб, ушбу тафсилотларни обдан таҳлил қилади: «Султон Маҳмуд ва Маллухон эллик минг отлиқ ва пиёда аскар, 120 занжирбанд фил билан Деҳли қалъасини мустаҳкамладилар ва мен билан жанг қилишга шайландилар. Кўнглим хавотирланди. Бордию Деҳли қалъасини босиб олишга борсам-у, мабодо бу иш узоқ вақтга чўзилиб кетса, нима қиламан? Ўзимга кенгашиб, ғаним лашкари дадилланиб, қалъадан чиқиб, саф тортиб жанг майдонига кириши учун ўзимни кучсиз ва қўрқандек қилиб кўрсатмоқчи бўлдим. Шу сабабдан лашкардан узоқроқда хандақ қаздирдим. Лашкарим билан хандақ ичига яхшилаб жойлашганимдан сўнг, лашкарларимнинг бир фавжини душманга қарши жангга ташладим. Душман қаршисига боргач, ўзларини кучсиз кўрсатиб, қўрқандай бўлиб чекинишларини ва ғанимларни дадиллантириб келишни буюрдим. Душман лашкари бу ҳолни кўриб, ўзларини ғолиб ҳисоблаб, гердайиб жанг майдонига чиққан эдиларки, менинг қаҳрли лашкарим фавжлари билан юзма-юз келдилар. Деҳли ҳокими султон Маҳмуд жангга киришди ва енгилиб тоғ тарафга қочди. Беқиёс хазина ва мол-мулки сипоҳийларимга насиб бўлди. Бир йил ичида Ҳиндистон пойтахти Деҳлини забт этдим ва мазкур йилнинг охирларида салтанатим пойтахти Самарқандга қайтдим».

Ҳазрати Бобур соҳибқироннинг бу ҳикоятларидан ажиб мутаассир бўлиб, вужудида беқиёс куч-қудрат туяди. Бир ярим, кўпи билан икки минг атрофидаги йигит билан Ҳиндистон ҳукмдори Султон Иброҳим Лўдийга қарши қўшин тортади. Тарихда «Панипат жанги» сифатида машҳур бўлган бу тўқнашув Бобур Мирзо саркардалик салоҳиятининг энг порлоқ саҳифаларидан биридир. Бежиз эмаски, ҳинд тарихчилари Панипат муҳорабасини Ҳиндистон тарихида бурилиш ясаган улкан ҳарбий-сиёсий воқеа сифатида баҳолайдилар.

Яхшиси, бу хусусда сўзни улуғ шоир муаррихнинг ўзларидан эшитайлик:

«Аввал навбатким, Беҳрага келдук, минг беш юз, ниҳояти икки минг киши бўлғой эдук. Бешинчи навбатким келиб, Султон Иброҳимни босиб, Ҳиндустон мамоликини фатҳ қилдим, ҳеч қачон Ҳиндустон юрушида мунча черик била келилмайдур эди. Навкар ва савдар ва чокар **жамиъ черик била бўлғонлар ўн икки минг киши қаламға келди...**

Ҳиндустон мамлакати Беҳрадин Баҳорғача афғон тасарруфида эди, подшоҳи Султон Иброҳим эди. **Вилоят ҳисоби била беш лак черики бўлмоқ керак эди.** Ул фурсатта юрт умароси мухолафат мақомида эрдилар. **Ҳозир черикини бир лак** (юз минг — Х. С.) **ченарлар эди.** Ўзининг ва умаросининг минг чоғлиқ фили бор, дерлар эди. Бу ҳол ва бу қувват била таваккул қилиб, ўзбакдек юз минг қари ёғийни орқада қўюб, Султон Иброҳимдек қалин чериклик ва васиъ мулклук подшоҳ била рўбарў бўлдук...».

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ушбу жангда темурийлар сулоласининг тақдири ҳам ҳал бўлган. Замон тўфонларида буткул ўчиб-йитиб кетиши эҳтимолдан ҳоли бўлмаган бу салтанатнинг тадрижи ушбу жанг натижасига кўра ўзга бир заминда янгича бир шукуҳ ва сифат ўзгаришлари билан давом эттирилган.

Бинобарин, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Яратганга таваккал қилиб, **«Қанчадан-қанча кичкина гуруҳлар Оллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан ғалаба қилган»,** деган ояти каримани дилида қайта-қайта такрорлаб шу ҳаёт-мамот жангига киради:

«Таваккулимизга яраша Тенгри таоло ранж ва машаққатларимизни зойиъ қилмай, мундоқ зўр ғанимни мағлуб қилиб, Ҳиндустондек кенг мамлакатни мафтуҳ айлади, — дея хотирлайди у ва парвардигорга беҳад шукроналар айтади. — Бу давлатни ўзумизнинг зўр ва қувватидин кўрмасбиз, балки Тенгрининг маҳзи лутф ва шафқатидиндур ва бу саодатни ўзумизнинг саъй ва ҳимматидин билмасбиз, балки Тенгрининг айни карам ва иноятидандур.».

Фатҳ этилган Ҳиндистон шаҳру кентларини, унинг пойтахтини кўздан кечирар экан, ғолиб подшоҳ яна соҳибқирон Темурни эсга олади: «Деҳли Султон Алоуддиннинг илгида эди. Бу табақа сайиддур. Темурбек Деҳлини олғонда Деҳли ҳукуматини буларнинг оталариға бериб эди.».

Мана, икки буюк жаҳонгирнинг шахсиятига дахлдор айрим хусусиятлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтдик. Аммо бу муштарак жиҳатлар фақат ҳарбий-жанговарлик соҳаси билангина чекланиб қолмайди, балки соҳибқирон Темур ва ҳазрати Бобурнинг ақл-заковат эгаларига, илм-фан аҳлларига, санъат ва ҳунар усталарига нисбатан кўргазган беқиёс меҳр-мурувватлари уларни бир-бирига янада яқинлаштиради. Зеро уларнинг иккиси ҳам, моҳият эътиборига кўра, аввало улуғ бунёдкор шахслар эди.

Шу муносабат билан овруполик тарихчи Ҳерман Вамберининг Амир Темурнинг бу борадаги фаолиятига берган баҳосини эслаб ўтайлик. У шундай деб ёзади: «Темур қайси мамлакатни эгалласа, унинг ноёб ўлжаси — шу ўлканинг рассомлари, моҳир усталари ҳисобланган. У Бурса кутубхонасидаги китобларни от-уловларга орттириб, Самарқандга кўчиртирган. **Энди шу кишини ваҳший, марҳаматсиз деб аташ мумкинми? Бинобарин, Темурни Чингиз ила бир сафга қўйиб, уни ваҳший, золим, қароқчи деб атаган кишиларнинг фикрлари икки маротаба хатодир»...** Турк ва араб қавмидан бўлган барча жаҳонгирлар ва фотиҳлар каби Темурда ҳам она Ватанига жуда хос даражада тарафкашлик бор. Шунинг учун у ғарбий ислом дунёсининг сиёсий марказини, шу билан бирга эндиликда ожиз бўлиб қолган ислом маданияти асосини Туркистон чўлларининг майин тупроқларига кўчиришни ният қилган эди... Темурнинг шу маслаги унинг азиз Ватани Ўрта Осиё учун ниҳоятда муҳим ва узоқ давом этган самара берганини гапириб ўтиришга эҳтиёж йўқдир».

Буюк меъмор, буюк боғбон, буюк ижодкор сифатида вояга етган Бобур Мирзо гўдак чоғиданоқ соҳибқирон Амир Темур жорий этган, ундан мерос бўлиб қолган гўзал бунёдкорлик муҳитида тарбия кўрган эди. Эҳтимол, шу сабабдан бўлса керак, «Бобурнома»да муаллиф улуғ аждодининг яратувчилик ишларини, унинг амру фармони ва ғоялари билан барпо қилинган муаззам иншоотларни, боғу боғотларни завқ-шавққа тўлиб тасвирлайди. Бу ҳароратли тасвирлар бугун ҳам дилбар ғазалнинг байтлари янглиғ таассурот қолдиради. Бобур Мирзонинг мазкур ёдномалари бўлмаганида, соҳибқироннинг тарихий сиймоси тугал бўлмай қолиши шубҳасиз эди. Самарқанддаги ва умуман темурийлар давридаги обидаларни ўрганган тадқиқотчилар бу борада Бобурнинг ёзганлари уларга ниҳоятда қўл келганини алоҳида қайд этиб ўтганлар.

«Темурбекнинг ва Улуғбек Мирзонинг иморати ва боғоти Самарқанд маҳаллотида кўптур, — дея ҳикоя қилади Бобур. — Самарқанд аркида Темурбек бир улуғ кўшк солибтур, тўрт ошиёналиқ. Кўксаройға мавсум ва машҳур ва бисёр олий иморатдур. Яна Оҳанин дарвозасиға ёвуқ қалъанинг ичида бир масжиди жумъа солибтур, сангин, аксар Ҳиндустондин элтган сангтарошлар анда иш қилибтурлар.

Масжиднинг пештоқи китобасида бу оятни — «Ва из ярфау Иброҳимал қавоида (ило охириҳи)» андоқ улуғ хат била битибтурларким. бир куруҳ ёвуқ ердин ўқуса бўлур. Бу ҳам бисёр олий иморатдур».

Амир Темур давлатининг пойтахтини безаб турган фусункор боғлар айниқса Бобур Мирзода улкан ҳавас ва меҳр уйғотади: «Самарқанднинг шарқида икки боғ солибтур, бириким, йироқтур, Боғи Бўлдудур, ёвуқроғи Боғи Дилкушодир. Андин Феруза дарвозасиғача хиёбон қилиб, икки тарафида терак йиғочлари эктурубтур. Дилкушода ҳам улуғ кўшк солдирубдур, ул кўшкта Темурбекнинг Ҳиндистон урушини тасвир қилибтурлар...».

Жувонмард бобокалонининг бунёдкорлик бобида фаолият кўрсатган бирон-бир авлоди Бобур Мирзонинг ўткир, синчков назаридан четда қолмайди. Юрт ободончилиги, эл мамурлиги учун хизмат қилган арбоб борки, уларнинг номини эҳтиром ила тарих саҳифаларига рақам қилади:

«Темурбекнинг набираси, Жаҳонгир Мирзонинг ўғли Муҳаммад Султон Мирзо Самарқанднинг тош қўрғонида — чақарда бир мадраса солибтур. Темурбекнинг қабри ва авлодидин ҳар кимки Самарқандда подшоҳлиқ қилибтур, аларнинг қабри ул мадрасададур».

Ёки:

«Улуғбек Мирзонинг иморатларидин Самарқанд қалъасининг ичида мадраса ва хонақоҳдур. Хонақоҳнинг гунбази бисёр улуғ гунбаздур, оламда онча улуғ гунбаз йўқ, деб нишон берурлар...».

Соҳибқироннинг туғилган жойи — Кеш шаҳрига алоҳида муҳаббати ҳақида ҳам ҳазрати Бобур биз авлодларга жуда ноёб маълумотларни битиб қолдиради: «Темурбекнинг зоду буди Кешдин учун, — деб таъкидлайди у,— шаҳар ва пойтахт қилуриға кўп саъй-ва эҳтимонлар қилди, олий иморатлар Кешта бино қилди... Чун Кешнинг қобилияти шаҳр бўлмоққа Самарқандча эмас эди, охир пойтахт учун Темурбек Самарқандни — ўқ ихтиёр қилди».

Қисматнинг қалтис синовлари туфайли Заҳириддин Муҳаммад Бобур умр бўйи от устида сарсон-саргардон кезмоқликка мажбур бўлди. Тақдир тақозоси билан дилидаги улуғвор бунёдкорлик режаларини рўёбга чиқаришга, соҳибқирон Темур сингари оламда тенги йўқ олий иншоотлар барпо қилишга ҳар доим ҳам муяссар бўлавермади. Аммо, жангу жадалдан, юришу урушлардан, салтанат ташвишларидан бир зум бўлса-да, фурсат орттирса, у ўзини ҳаётининг бош маъноси бўлмиш яратувчиликка, ижодкорликка бағишлади. У тириклик мазмунини бузғунчиликда эмас, аксинча, бунёдкорликда деб билди ва бундан олам-олам завқу сурур туйди. Хоҳ Самарқандда бўлсин, хоҳ Ўшда, хоҳ Кобулу Деҳлида бўлсин, эзгу ишлар, гўзал иморатлар, солиҳ амалларни ўзидан ёдгор этиб қолдиришга тиришди. Хусусан, Ҳиндистонда кечирган тўрт йилга етар-етмас қисқа умри мобайнида ҳам иккинчи ватанига айланган бу ўлкани обод қилишга улкан саъй-ҳаракатлар кўрсатди. Ва бу борадаги ишларини ҳам, умри давомида бўлганидек, улуғ Амир Темурнинг фаолият мезонлари билан баҳолаб-таққослаб борди. Шу боисдан кўнгли ғуруррга, қонуний ифтихорга тўлиб, қуйидаги мисраларни ёзди: «Нечукким, «Зафарнома»да Темурбекнинг «масжиди сангин» иморатини қилурда Мулло Шараф (Шарафиддин Али Яздий — Х. С.) мундоқ муболаға била битибтурким, Озарбойжон ва Форс ва Ҳиндустон ва яна ўзга мамолик сангтарошларидин ҳар кунда икки юз киши масжидда иш қилурлар эди. Бир Оградa ушбу Ограниинг сангтарошларидин менинг иморатларимда ҳар кунда олти юз саксон киши иш қилурлар эди. Яна Оградa ва Секрида ва Биёнада ва Дулпурда ва Гувалёрда ва Кўлда минг тўрт юз тўқсон бир сангтарош ҳар кунда менинг иморатимда иш қилурлар эди...».

«Алишер Навоий» спектаклида улуғ шоиримиз: «Биз етмаган манзилларга, иншооллоҳ, авлодларимиз етгусидир», дея орзу қилади. Чиндан ҳам, Бобур Мирзо Амир Темур ишларини шараф билан давом эттирди, ҳамиша, ҳамма жойда соҳибқирон бобосининг номига муносиб бўлиб қолди.

Ўз навбатида ҳазрати Бобурнинг Ҳиндистонда мақсад қилиб қўйган буюк режа ва мақсадларини унинг насллари — бобурийлар, сулоласининг шавкатли ҳукмдорлари юксак ва олий мақомларда амалга оширдилар, дунёнинг энг гўзал мўъжизалари бўлган тарихий обидаларни бино қилиб, бунёдкор Темур ва Бобур руҳларини шод этдилар.

Мозийнинг бу сирли ва ҳайратомуз воқеаларидаги бир жиҳат кўнгилларимизда мудом армон уйготади. Яъни, Бобур Мирзо ва унинг баҳодир авлоди Ҳиндистон тупроғида турғун бўлиб қолиб кетди. Ва шу йўсин бир пайтлар Амир Темурнинг амирлари уни огоҳлантириб айтган ҳолат юз берди: **«Борингки, Ҳиндистонни олдик, ҳам дейлик. Бироқ у ерда турғун бўлиб қолсак, наслимиз йўқолади, авлодларимиз ўз аслидан ажраб, тиллари ҳиндча бўлиб кетади...».** Афсуски, бу хусусда улар ҳақ бўлиб чиқдилар...

Лекин, начора! Оллоҳнинг ҳукми, тарихнинг ҳукми шундоқ бўлгач, биз уни бор ҳолича қабул қилмоғимиз лозим. Айни пайтда кўксимизни тоғ қилиб чексиз ифтихор ҳиссини туйишга асосимиз бор. Улуғ соҳибқирон Амир Темур даҳосидан қувват ва руҳ олиб яшаган, жангу жадаллар қилган, афсонавор иншоотлар бунёд этган бобурий боболаримизнинг шуҳрати, беқиёс фаолияти, муҳаббат достонлари, ватанга муҳаббати Мағрибдан Машриққа қадар тилларда ва элларда машҳуру манзур бўлди. Ва бу ҳақиқатни содиқ дўстлар ҳам, ғаддор ғанимлар ҳам эътироф этдилар:

«Ҳиндистон ва унинг 8 минг йиллик тарихи бамисоли бир товус бўлса, ўша кўп минг йиллик тарихдаги бобурийлар сулоласининг 332 йиллик ҳукмронлик даври ана шу товуснинг гултожидир» (Вольдемар Хансен).

Бу сўзларга, менимча, бирор нима деб қўшимча қилиш амримаҳол.

Хайриддин СУЛТОН.

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

Америкаликлар Оврупога нисбатан «эски дунё» деб қарашса, обрўполиклар аксинча океан ортига «янги дунё», деб боқишади. Хулласи калом америкалик мухлислар таъбири билан айтганда Қўшма Штатларга Оврўпо футболи ташриф буюрди. Ўн бешинчи жаҳон футбол чемпионатининг тантанали очилиш маросими улкан байрамга айланди. Чикаго учун бу воқеа ўзига хос тарихий саҳифа бўлар. Байрам маросимига ФИФА президенти Ж. Авеланж, АҚШ президенти Б. Клинтон, Германия канцлери Г. Коль ташриф буюришди. Байрамона безатилган «Солдиер Фиелд» ўйингоҳи катталашиб қолган. дай, 63 минг киши жойлашган бу ўйингоҳ исми-жисмига монанд бўлиб, қуш қанотидан қараганда лўппи очилган пахта чаноғини эслатарди.

Шунга ўхшаш манзара Бельгия — Марокко ўйинида ҳам кўзга ташланди, дейиш мумкин. Сирасини айтганда марокашлик футболчиларнинг бундай ўйин кўрсатишларини тасаввур қилмаган эдик. Чемпионатга пухта тайёргарлик билан келишгани кўриниб турди. Афсуски, «тезлик» қилиб ҳужумкорликка зўр бериш билан мудофаани бўшаштириб қўйдилар. Бельгия ўйинчилари эса осонгина тўп киритиб, мустаҳкам мудофаа кўрғонини ўрнатдилар. Марокашликларнинг ҳавасни келтирадиган ҳаракатлари, ҳужумлари зое кетаверди. Ўйин охиригача ҳисобни ўзгартиришнинг имкони бўлмади.

Кеча бўлиб ўтган Бразилия—Россия, Аргентина, Греция, Голландия — Саудия Арабистони учрашувларидан кейин барча гуруҳларда саралаш ўйинлари бошланди, дейиш мумкин. Унгача саккизта учрашув бўлиб ўтганди. Хусусан «А» гуруҳида ўтказилган икки ўйин муҳлисларда яхши таассурот қолдирди. Майдон эгалари Швейцария жамоаси билан ҳисобни 1:1 қилишган бўлса, Руминия—Колумбия ўйинида дастлабки йирик ҳисоб — 3:1 қайд этилди. Аввалги чемпионатда юз очган камерунликларнинг ўйини ҳаммани қизиқтирарди. «В» гуруҳидаги Камерун — Швеция учрашувида дарвозаларга иккитадан тўп киритилди.

«С» гуруҳида умид билан куч синашаётган Испания—Жанубий Корея жамоалари учрашуви (2:2) ҳам дуранг бўлди. «Е» гуруҳида ҳам иккита учрашув бўлди. Чемпионатнинг совринли ўринларидан бирига даъвогар ҳисобланган Италия футболчиларини Ирландия жамоасига 0:1 ҳисобида ютқазиб қўйиши кўпчиликни ҳайратга солди. Норвегия — Мексика ўйини эса 1:1 ҳисобида тугади. Хуллас, гуруҳларда нимчорак финалига чиқиш учун саралаш баҳслари қизғин паллага кирмоқда. Биров йўқотса бошқаси топаркан, Кимдир қуваркан, бошқаси қочаркан. Зеро, ҳар икки ҳолда ҳам ният холис. Фақат кучлиларгина олға боравераді.

Ҳайдар НОСИРОВ.

ҚОЧГАННИНГ ҲАМ, ҚУВГАННИНГ ҲАМ НИЯТИ БИР

Жаҳон чемпионати одимламоқда. Зеро, чин маънодаги футбол АҚШга эндигина келди, десак ҳам бўлаверади. Бойси, мухбирларнинг савол-жавобларига қараганда, қариб 70 фоиз америкалик йирик спорт анжуманининг ўтказилишидан бехабар экан. Шунга қарамай, одамларнинг спортни янги турига катта қизиқиш билан интилиб, барча ўйингоҳларни тўлдириб ўтиришлари яқин келажакда бу мамлакатда футбол ривожланиб, АҚШ ҳам совриндорликка даъвогар жамоалар қаторидан жой олиши мумкин, деб айтса бўлади.

Чемпионатнинг биринчи учрашуви «С» гуруҳига киритилган Германия — Боливия терма жамоалари ўртасида ўтказилди. Маълумки, Олмония футболчилари айни пайтда жаҳон чемпиони ҳисобланадилар. Қизиғи шундаки, улар бу йилги мусобақага ўзларининг тўрт йил аввалги таркибидаги жамоалари билан келишди, деган гаплар юрибди. Демак, тажриба ҳам, маҳорат ҳам етарли. Учрашувни кузата туриб, бир қизиқ ҳаракатни илғаш мумкин эди. Майдонда «қизиққон» ва «совуққон» футболчилар тўп сурардилар. Айтмоқчимизки, Боливия жамоасининг дарвозабони «қизиққон»лик қилиб, қариб жарима майдонигача югургилаб, тўпни оламан деб, сирганиб, йиқилиб юрармиди. Аксинча, «совуққон»лик билан ҳаракат қилишни ўрнига қўйган Олмония футболчилари эса имкониятдан фойдаланиб, дарвозани ишғол этиб қўяқолди.

ЭЛ АРДОҒИДА

Инсонга бир маротаба бериладиган умр ўзининг фурсати, вақти билан сарҳисоб қилишдек дақиқалардан иборатдир. Бунда инсон ўтган умрига, давом этаётган кундалик меҳнатига баҳо бериб боради. Ҳалол меҳнатлар эвазига ўтаётган сермазмун умр инсонга қониқиш бахш этиб, янги чўққилар сари етаклайди. Ҳар кишики бир касбни ихтиёр этар экан, унга ўзининг қалб қўрини, меҳрини бахшида этиб, шу касбининг фидойиси бўлса эзгу тилакларига етиши муқаррардир. Бунда инсон ўзининг покиза қалби, яхши инсоний фазилатларини намоён қилган ҳолда тинимсиз изланиб, ҳалол меҳнати самарасига эриша олади. Худди шу ўринда юқорида айтиб ўтилган фазилатлар соҳиби бўлган, бугунги кунда ўзининг олтмиш йиллик умр йўлини сарҳисоб қилаётган дўстимиз, тиббиёт фанлари номзоди, Тошкент тиббиёт ходимлари малакасини ошириш институтининг доценти, «Соғлиқни сақлаш аълочиси» нишондори Жалолиддин Тожиевдир.

Инсон ўз умри давида дўст орттиради, шу дўстлар ҳаётининг сермазмун дақиқаларини бирга баҳам кўради. Биз Жалолиддин билан ёшликдан бирга ўсган қадрдон дўстлар бирма-бир олтмиш давондан ошиб, шукроналик билан мустақил Ўзбекистонимиз равнақи йўлида турли соҳаларда ўз бурчимизни бажариб келмоқдамиз. Фанимиз ривожи йўлида фидойилик кўрсатган илм соҳибларидан кимё фанлари доктори Рауф Шокиров, геология-минерология фанлари номзодлари Абдулла Мавлонов, Фарҳод Одилов, иқтисод фанлари номзоди Ислом Холматов, техника фанлари номзоди Забихилла Қаюмовлар қаторида дўстимиз Жалолиддин Тожиевнинг борлигидан беҳад хурсандмиз. Биз лар 1951 йил пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 111-мактабни бирга битирганмиз.

Ушбу тўйхатда эл олқишига сазовор бўлиб келаётган, шифокорлик касбининг фидойиси Жалолиддин Тожиевни дўстлар чин қалбдан муборакбод этган ҳолда, у кишида мужассам бўлган яхши инсоний фазилатларни катта эҳтиром билан таъкидлаймиз. Жалолиддин Тожиев тиббиёт соҳасидаги 37 йиллик фаолиятида оддий тиббий ходимдан доцент даражасигача бўлган йўлни босиб ўтди ва бугунги кунда ҳам илмий педагогик ишни муваффақиятли давом эттирмоқда.

Шу қутлуғ кунда Жалолиддинга, унинг оила аъзоларига барча дўстлар номидан сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий бахт, тиббиёт фанини ривожлантириш йўлидаги фаолиятида янгидан-янги омадлар тилаймиз.

Эркин КОМИЛОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!

ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ 1994 ЙИЛ 24 ИЮНДА КИМ ОШДИ САВДОСИНИ ЎТКАЗАДИ. КИМ ОШДИ САВДОСИГА ҚУЙИДАГИ КЎЧМАС МУЛКЛАР ҚЎЙИЛАДИ.

ЎРИКЛИДАГИ БИТМАГАН МАКТАБ



Қурилиб битказилмаган ўқув-тарбия маркази Ульяново-Зомин-Супа-Бахмал-Ғаллаорол йўли бўйида Зомин тумани марказидан 41 км. олис узоқликда баланд тоғ бағрида жойлашган.

1983 йилдан 1985 йилгача қурилиш ишлари олиб борилган. 1,2 га. майдонига 1- ва 2-қаватлари, деворлари кўтарилиб усти ёпилган. 3-қаватга 30 куб. м. ғишт девор урилган. Бочка биносининг пойдевори бажарилган. Бир кунда 100 кишини қабул қилувчи меҳмонхона, дам олиш уйи, туристлар уйига айлантириш мумкин. Баланд тоғда жойлашгани ҳисобга олинса санаторий ёки пансионатга айлантириб фойдаланса бўлади.

Бошланғич баҳоси — 100000,0 минг сўм-купон.

МОЛХОНА БИНОСИ

Ёрдамчи хўжалик 100 бош қорамолга мўлжалланган молхона. Туман марказидан 3 км. масофада жойлашган. Ер майдони 1 гектарни ташкил этади. 2 хонали уйи, водопровод крани, ем сақланадиган омборхона, пешайвони бор. 1981 йилда пишиқ ғиштдан қурилган. Томи шиферли.

Бошланғич баҳоси — 82372,5 минг сўм-купон.

АВТОКОРХОНА БАЗАСИ

Автокорхона 1985 йилда қурилган бўлиб, Ульяново шаҳри катта Ўзбектрактининг Ульяново-Ховост йўлининг ўнг томонида 300 м. масофада жойлашган, темир йўл вокзалига 150 м. масофада ғишт заводи ёнгинасида жойлашган. Автокорхонанинг 2 гектар ер майдони бор. Автокорхонанинг идора назорат қилиш бўлими мавжуд. Автомашиналар учун майдон-айвончалар билан бекитилган. 12×72 ва 10×60 м. автомашиналарни созлаш учун чуқури бор. Омборхона, сув сақлагич 30 куб. м.

Бошланғич баҳоси — 250000,0 минг сўм-купон.

1 ҚАВАТЛИ КОТТЕЖ

Зомин тумани Ульяново пахта заводига қарашли коттеж бўлиб 1990 йилда қурилган. Умумий ер майдони 30 квадрат метр бўлиб, пойдевори темир, бетондан, деворлари панелдан, томи шиферланган, эшик-деразалари йўқ. Коттежнинг 3 тадан хонаси бор.

Бошланғич баҳоси — 37877,8 минг сўм-купон.

16 ХОНАЛИ УЙ

Зомин тумани марказидан 1 км. масофада, Зомин-Ульяново суффа айланма йўли ёқасида жойлашган.

Уйнинг орқа томони яйловга туташ. Электр энергияси, табиий газ, водопровод суви билан таъмирланган. Уй 1982 йилда қурилган, 16-хонаси фундаменти бетондан, девори пишиқ ғиштдан, 4×9 ҳажмда ертўласи бор.

Экинзор майдони бор, 20 хил 70 туп мевали дарахтлари бор.

Фақатгина 5 хонасига пол нотолок қилиш талаб этилади.

Бошланғич баҳоси — 300000,0 минг сўм-купон.

КОМПЛЕКС БАЗА



«Жиззахчўлқурилиш» агросаноат қурилиш бирлашмасига қарашли 36-механизациялашган кўчма-колонна Зомин тумани «Ғалаба» жамоа хўжалигида жойлашган, эгаллаб турган ер майдони 12480 м. 36-МККнинг идора, асбоб-анжом, омборхона, дурадгорлик цехи, машиналар учун турар-жой, айвонлари мавжуд.

Бошланғич баҳоси — 162986,0 минг сўм-купон.

МЕҲМОНХОНА



Меҳмонхона 27 ўринли, 1 қаватли, узунлиги 50 м, эни 8 м, баландлиги 3 м. Тайёр бино. Меҳмонхона шаҳар марказида жойлашган. Темир йўл вокзали 50 м. масофада жойлашган. 1990 йилда қурилган, умумий майдони 1000 квадрат м., фойдаланиш майдони 460 кв. м. Фундаменти, деворлари бетондан, томи шифер, айвони бор. Бир кунда 20 кишини қабул қилишга мўлжалланган. Хоналари 11 та, 2 таси юқори даражада, 9 таси 2 кишилик. Хоналари замонавий жиҳозланган. Чойхона ва ошхона мавжуд.

Бошланғич баҳоси — 60000,0 минг сўм-купон.

ЕШЛАР КЛУБИ

Ёшлар клуби Ульяново шаҳри марказида жойлашган. 1979 йилда қурилган, умумий майдони 3000 кв. м. Пойдевори бетондан, девори пишиқ ғиштдан. 250 ўринли қишки кинозали, 260 ўринли ёзги кинозали бор. Клуб атрофи 250×150 м. майдонида темир панжара билан ўралган. 2,0 гектар майдон турли мевали дарахтлар билан безатилган.

Бошланғич баҳоси —27000,0 минг сўм-купон.

1 ҚАВАТЛИ КОТТЕЖ

Зомин тумани Ульяново пахта тозалаш заводига қарашли 1990 йилда қурилган, умумий ер майдони 30 кв. м. бўлиб пойдевори темир бетондан, деворлари панелдан, томи шиферланган. Эшик-деразалари йўқ. Коттежда 3 та хона бор.

Бошланғич баҳоси — 75755,7 минг сўм-купон.

КЎЧМАС МУЛКЛАР БИЛАН ТАНИШМОҚЧИ БЎЛГАНЛАР ЎЗЛАРИНИ ҚИЗИҚТИРГАН БАРЧА МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИГА ЕКИ ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАРГА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИШЛАРИ МУМКИН:

(37222) 34148, 32504, 32786.

INTERNATIONAL SUCCESS TRAINING SYSTEM

ТОШКЕНТ ОМБОРЛАРИДАН ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ

HERBALIFE

Кўп минг йиллар илгари Хитойда кўкатлардан инсонларнинг тиниқ ақл-заковат ва жисмоний тетиклиқни сақлаган ҳолда 100-150 йил умр кўришларига имкон берадиган дори-дармонлар тайёрлаш усулларини билганлар. Яқин-яқинларгача бу усуллар мутлақо унутилиб кетган, деб ҳисоблаб келинди. Бироқ Американинг HERBALIFE компаниси ходимлари Хитойда олиб борган жиддий тадқиқотлар туфайли ўша замонлардаги кўпгина ноёб усуллар топилиб, улар хусусиятларига кўра "Ҳужайраларни Мутаносиб Озиқлантириш" (ҲМО) деб ном олган маҳсулотларда ўз ифодасини топди.

HERBALIFE компанияси фақат ҳар қандай қўшимчалардан холи бўлган тоза кўкатларга асосланган ҲМО маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Бу маҳсулотларнинг асосий вазифаси инсон танасини ҳужайралар даражасида барча зарур моддалар билан таъминлаш орқали танани унинг иш қобилиятига салбий таъсир кўрсатувчи, вақт-соатидан илгари чарчаб ва қариб қолишга олиб келадиган ташқи ҳамда ички манбалардан муҳофаза қилишдан иборат.

Заруратга қараб ҲМО учта асосий дастурга асосан қабул қилинади:

1. Тана-организмни тозалаш дастури.
2. Ҳужайраларни озиқлантириш дастури.
3. Озиш дастури.

Профилактика дастури деб аталадиган бу дастурлар ҳар қандай касалликлар ривожланиб кетишининг олдини олиб, уларни бошлангич босқичидаёқ даф этишга имкон беради. Лекин ҲМОни шифобахш муолажалар дастурларига асосан томир касалликлари, глаукома, вена қон томирларининг шишиб кенгайиши, хотиранинг сусайиши, камқонлик, қанд касаллиги, яралар, бод, жинсий аъзолар заифлашуви, тери, аёллар касалликлари, бўғин оғриқлари ва бошқа кўплаб хасталикларга шифо топиш ниятида ҳам қабул қилиш мумкин.

Мақсадга қараб зарур моддаларга илова қилиб бериладиган муайян дастур асосида ҲМОнинг турли мажмуалари қўлланилади. ҲМОни қабул қилишнинг фойдаси тезда сезилади, ундан ҳеч қандай ноқулайлик ёки нохуш ҳис-туйғу вужудга келмайди.

HERBALIFE компаниясининг Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги расмий вакили—"БАКАТИС К" фирмаси. Тошкент шаҳар Шевченко кўчаси, 8-уйда ("Украина" гастраномн яқинида) маслаҳат бериш манзили очилган, у ерда батафсил маълумот олиб, тегишли дори-дармонлар харид қилишингиз мумкин.

Алоқа учун телефонлар: айрим кишиларга маслаҳат бериш манзилида—(3712) 56-04-43, кўтара савдо қилувчи харидорлар учун—"Бакатис К" фирмасида—(3712) 45-59-61, факс: (3712) 45-38-56.

1994 йил 5 - 8 июль кунлари

"Ўзбегим Интернейшнл" қўшма корхонасининг кўргазма залларида

"ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ-94"

ХАЛҚАРО САВДО КЎРГАЗМАСИ

* Аёллар, эркаклар ва болалар кийим-кечаги
* Дам олиш ва спорт билан шуғулланиш учун мўлжалланган кийимлар
* Пойафзаллар
* Атторлик буюмлари, ювиш воситалари
* Озиқ-овқат маҳсулотлари, спиртли ичимликлар
* Кофе дамлаш ва майдалаш асбоблари
* Кафел
* Сантехникага оид моллар
* Гиламлар ва гилам - поёндозлар
* Хонадонлар ва офислар учун мулжалланган ташкилий техника асбоблари

Улгуржи ва чакана савдо.
Кўргазма даврида 30 фоиз арзон нархда сотилади.

Германия, Италия, Голландия, Бельгия, Ўзбекистон, Кипр, Покистон фирмалари иштирок этадилар.

Манзилгох:
Тошкент ш., Чилонзор кўчаси, 53 "А" уй
"Ўзбегим Интернейшнл" қўшма корхонаси
"Чилонзор" ресторани ва "Шифокор" меҳмонхонаси рўпарасида

Савдо кўргазмасининг ишлаш вақти: 10.00дан 17.00гача

123-МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИЛГАН КЎЧМА ЖАМЛАНМА ИЖАРА КОРХОНАСИ

Бўёқчилар, сувоқчилар, дурадгорлар, кошинкорлар, мраморчиларни

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Иш ҳақи—шартномавий.

Мурожаат учун манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Раҳматулин кўчаси, 314-уй.

(Собиқ Обидов кўчаси).

Телефонлар: 62-12-07, 62-04-79.

«МАДАНИЯТ»

Илмий-ишлаб чиқариш — савдо маданий маркази Тошкентдаги омбордан:

«Урал» коляскали мотоцикларини, хорижий аёллар ва эркаклар пойабзалларини, хилма хил газламаларни, «Полюс», «Орск—416» музлатгичларини, «Чайка» тикув машинкаларини ва бошқа халқ истеъмоли молларини

СОТМОҚДА

Маълумотлар олиш учун телефонлар:

45-41-45, 45-49-52, 45-85-56

МАНЗИЛГОҲ: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси, 1.

Йўналиш: «Халқлар дўстлиги» метро бекати, А. Хўжаев ва Фурқат кўчалари кесишган бурчакдаги давлат спорт қўмитаси биноси ҳовлиси.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИНИ!

Тошкент Давлат юридик институти ректорати ва жамоат ташкилотлари институтнинг собиқ ректори, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, юридик фанлари доктори, профессор **Анвар Аъзамович АЪЗАМХЎЖАЕВнинг**, бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академик О. С. Содиқов номли Биоорганик кимё институти жамоаси шу институт директори, биология фанлари доктори, профессор Ш. И. Солиҳовга падари бузруквори **Исмоил СОЛИҲОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими—33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Нукусда — 7-58-83;
Бухорода — 3-54-87; Қаршида — 3-25-79;
Гулистонда — 2-26-22; Қумқўрғонда — 52-624;
Жиззахда — 3-31-86; Самарқандда — 35-22-90;
Навоийда — 3-74-76; Урганчда — 6-72-60;
Наманганда — 6-43-43; Фарғонада — 6-3716.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди — 21.30.
Г—939 85501 нусхада босилди.
Навбатчилар: К. РИХСИЕВ, Ҳ. ЭРМАТОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй. 1 2 3 4 5 6.